



Бошланиши 1-саҳифада.

Шунингдек, Ўзбекистон – Корея саноат-технологик альянси тузилди.

Кореянинг илгор технологиялари ва Ўзбекистоннинг ресурсларига асосланган мустаҳкам инновацион ва технологик альянсни барпо этиш бўйича эришилган келишув, айниқса, ушбу альянснинг устувор йўналишлари этиб ахборот технологиялари, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, тиббиёт ва фармацевтикада рақамли ечимларни жорий этиш белгилангани ҳар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади.



Давлатимиз раҳбари томонидан Корея Республикаси билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришнинг бешта устувор йўналиши – савдо алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмини ошириш, муҳим минераллар (ноёб ер металлари) соҳасида узоқ мuddатли саноат занжирини яратиш, транспорт-логистика алоқаларини диверсификация қилиш ва инфратузилмавий лойиҳаларни жадал амалга ошириш белгилаб берилди. Ушбу муҳим анъананинг кейинги манзили сифатида Самарқанд шаҳри белгилангани алоҳида рамзий ва амалий аҳамиятга эга.

Ташрифнинг энг таъсирли ва муҳим воқеаларидан бири – Юртбошимизнинг Сеулда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошларимиз, ёш талабаларимиз билан шахсан учрашиб, очик суҳбат қурганлари бўлди. Президентимизнинг ёшларимиз таҳсили ва

МУВОФИКЛАШТИРУВЧИ КЎПРИК

келажак режалари билан самимий қизиққани, Жанубий Кореяда эгалланаётган замонавий билим ва тажриба Янги Ўзбекистон равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилишига билдирган ишончи бутун илм-фан аҳлига ва хориждаги ёшларимизга улкан руҳ ва ғайрат бағишлади.

Икки мамлакат етакчиларининг мулоқотида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги инвестициялар ва савдо ҳажми сезиларли даражада ортаётгани алоҳида таъкидланди. 2026 йил бошидан буён Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12 фоизга кўпайди, юртимиз иқтисодиётига жалб этилган Жанубий Корея инвестицияларининг умумий ҳажми эса 8 миллиард доллардан ошди. Бироқ ҳамкорлиқни янада ривожлантириш имконияти катта.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга туртки берувчи куч – уларнинг бир-бирини тўлдирга олиш салоҳиятидир. Жанубий Корея юқори технологик ривожланиш даражасига, Ўзбекистон эса нафақат бой табиий ресурслар ва фойдали қазилмаларга, балки юқори малакали кадрларга эга.

Мамлакатларимиз етакчилари ўта муҳим фойдали қазилмаларни биргаликда қидириш ва ўзлаштириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни Жанубий Корея, ЕИ давлатлари ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиш масалаларини фаол муҳокама қилгани эътиборга молик.

Икки давлат раҳбари томонидан 2027 йилнинг “Маданият ва ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиниши халқ дипломатияси ва маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Маълумки, Ўзбекистон ва Жа-

нубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш. Тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейслар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб юртдошларимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётир. Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришда кўп сонли корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ўз олдида кучли демократик, илгор ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни мақсад қилган. Дунёнинг ривожланган 50 мамлакати қаторига кириш – бош вазифа. Бу борадаги ислохотлар ҳам халқимизга муносиб шароит яратиш бериш мақсадида амалга ошириляпти.

Бунда Жанубий Кореянинг тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Унинг электрон ҳукумат, рақамлаштириш, хавфсиз ва ақлли шаҳар яратиш, олий таълим, мактабгача таълим соҳаларидаги ютуқлари беқиёс. Президентимизнинг Жанубий Кореяга давлат ташрифи нафақат эришилган натижаларни мустаҳкамлайди, балки яшил энергетика, яримўтказгичлар кластерларини ривожлантириш, ноёб ер металлларини биргаликда қазиб олиш ва инновацион лойиҳалар бўйича янги босқични бошлаб беради. Кореянинг технологик интеллектти ва молиявий ресурслари ҳамда Ўзбекистоннинг табиий, демографик ва транзит салоҳияти бирлашганда, иккала давлат ҳам ортиб бораётган глобал инқирозлар шароитида ўзининг иқтисодий бар-

қарорлигини янада кучайтира олади.


Саммит якунида тарихий Сеул декларацияси қабул қилинди. Декларация шунчаки якуний ҳужжат эмас, балки кейинги йиллар учун “йўл харитаси” вазифасини бажаради. Ушбу тарихий ҳужжатда Марказий Осиё бешлиги ва Корея Республикаси ўртасидаги саммитларни мунтазам институционал тузилмага айлантириш, муҳим хомашё бўйича хавфсиз таъминот занжирини шакллантириш бўйича кўп томонлама меморандумларни мустаҳкамлаш, ёшлар ва кадрлар тайёрлаш, муҳандислик ҳамда ИТ соҳаларида биргаликда таълим платформаларини яратиш бўйича мажбуриятлар акс этган.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг демографик ва географик юраги бўлиб, минтақадаги барча тўртта давлат билан умумий чегарага эга. Шу боис Сеул билан кўп томонлама алоқаларда Ўзбекистон асосий “мувофиқлаштирувчи кўприк” вазифасини ўтайди.

САМАРҚАНД – ШАХМАТ ДУНЁСИ ПОЙТАХТИ

Азим ва кўҳна Самарқанд шаҳри яна бир глобал анжуманга мезбонлик қилмоқда. Шавкат Мирзиёев 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси, 3-Парашахмат олимпиадаси ва 97-ФИДЕ конгресси иштирокчиларига самимий табрик йўллади. Табрикда таъкидланганидек, шахмат юртимизда чуқур илдизларга эга. Соҳибқирон Амир Темур шатранжга меҳр қўйгани ҳақида тарихий далолат бор. Бобокалонларимиз Хоразмий, Беруний, Навоий ва Бобур ўз асарларида бу жозибали ўйинни тафаккур қайроғи деб баҳолаган.

Янги Ўзбекистонда шахмат билан оммавий шугулланувчилар 2 миллиондан ошди, 6 минг профессионал шахматчи ва 32 нафар халқаро гроссмейстер бор. Эркаклар терма жа-



моамиз ФИДЕ рейтингда 8-ўринга, аёллар жамоаси 20-ўринга кўтарилди.

Жавоҳир Синдоровнинг Жаҳон кубогини қўлга киритгани ва Нодирбек Абдусатторовнинг жаҳон чемпионатидаги қумуш медали миллий шахмат мактабимизнинг юксак салоҳиятини кўрсатмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги олимпиада дунё ёшларига муҳим бир ҳақиқатни намоён этмоқда: инсониятнинг умумий келажаги куч эмас – ақл ва билим, адоват эмас – дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бефарқлик эмас – эзгу мақсадлар йўлидаги қатъият асосида бунёд этилади”.

Ортада қолаётган ҳафта воқеалари шуни кўрсатдики, янги Ўзбекистон ички ислохотлар ва ташқи сиёсатда ягона, пухта ўйланган стратегик йўлдан бормоқда. Пойтахт маҳаллаларидаги “Қичқирик” моделидан тортиб, Сеулдаги 12 миллиардлик саноат альянси ва Самарқандда 200 дан ортик мамлакат шахматчиларининг жамланиши – буларнинг бари ягона буюк мақсадга – мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва инсон капиталини юксалтиришга хизмат қилажак.

Иқбол МИРЗО

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу жиҳатдан, агар глобал алгоритмлар ўзбек тилининг асл мазмунини, матни ва миллий менталитетнинг нозик жиҳатларини мукамал тушунамса, улар бизнинг ахборот маконимизда қайси янгиликлар тарқалиши ёки тўсиб қўйилишини ўз мезонлари асосида ҳал қилади. Ўз тилида сунъий ақл моделларига эга бўлмаган миллат ўз кибермаконида содир бўлаётган рақамли жараёнларни бошқара олмайди. Бу эса ахборот макони устидан назоратни бутунлай чет эл технологиялари ихтиёрига топшириб қўйиш билан баробардир. Замонавий давлат бошқаруви, банк тизими, таълим ва тиббиёт яқин йилларда тўлиқ сунъий интеллект агентлари бошқарувиغا ўтади. Демак, давлат ва жамият бошқаруви учун ишлатиладиган AI тизимлари ўзбек тилида алгоритмик фикрлай олмаса, биз ҳар бир рақамли хизмат, дастур ва тизим учун хорижий корпорацияларга молиявий ва сиёсий жиҳатдан қарам бўлиб қоламиз.

Маҳаллий стартаплар ва дастурчилар ўз тилида мукамал ишлайдиган миллий ахборот базасига эга бўлмаса, улар хориж тизимларининг ижарачисига айланади. Бу эса миллий интеллекттуал мулк, ақл эгалари ва капиталнинг доимий равишда четга чиқиб кетишини таъминлайди. Инсон фақат ўз она тилида фикрлагандагина, энг мураккаб кашфиётларни, креатив ғоялар ва ноёб ечимларни ўйлаб топа олади. Илмни ўз тилимизда яратиш таълим сифатини кескин оширади.

Ўзбек тилини ахборот технологиялари тизимларига интеграция қилиш – бу, шунчаки лингвистик ёки техник вазифа эмас, бу давлат мустақиллиги ва хавфсизлиги масаласидир. Тил глобал алгоритмлар тизимида ўз ўрнини топмас экан, кибермакonda чегараларимиз очик қолаверади. Биз рақамли дунёда ўз маданиятимиз ва ахборот муҳитимизни асраб қолмоқчи бўлсак, сунъий интеллектни ўзбек тилида фикрлашга, баҳолаш ва яратишга мажбур қилидиган миллий рақамли инфратузилмани бугундан бошлаб қуришимиз шарт. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимда бу масалага алоҳида стратегик вазифа ўлароқ эътибор қаратганининг замирида ана шу асослар ётибди.

Ўзбек тилини рақамли дунёда етакчи тилга айлантириш хомхашёл эмас. Бу борада биз учун улғи олишга аризулик тажриба йўллари бор. Жаҳон тажрибасида ўз миллий тилини глобал технология ва инновациялар тили даражасига кўтарган давлатлар мавжуд. Айниқса, Жанубий Корея ва Исроил давлатла-

рининг ўз миллий тилларини илм-фан ва юқори технологиялар тилига айлантириш бўйича муваффақиятли йўли миллий тиллар учун низоҳатда муҳим ҳисобланади.

Жанубий Корея ўз миллий алифбоси Хангил тизимини рақамли асрга мослаштириш орқали улкан технологик инқилобни амалга оширди. Кореяликлар Google ёки Yahoo тизимларига қарам бўлиб қолмаслик учун ўз тилларида мукамал ишлайдиган Naver қидирув тизими ва Kakao рақамли экотизимини яратдилар. Бугунги кунда Naver сунъий ақл ва катта тил моделлари соҳасида ўзбек тили учун ҳам намуна бўла оладиган миллий база ҳисобланади. Давлат томонидан энг мураккаб муҳандислик, робототехника ва микроэлектроникага оид қўлланмалар, халқаро илмий мақолалар зудлик билан корейс тилига таржима қилинди ва рақамлаштирилди. Натижада корейс ёшлари ўз она тилида дунёдаги энг илгор технология-

берхавфсизлик ҳамда электрон разведка марказларидан биридир. Бу бўлимга шунчаки ҳарбий тузилма эмас, балки Исроилнинг юқори технологиялар ва стартаплар мамлакатига айланганининг асосий пойдевори ва ақлий манбаи ҳисобланади. Шунингдек, энг етакчи Исроил технологиялар институтида мураккаб дастурий алгоритмлар, ҳарбий технологиялар ва тадқиқотлар иброний тилида олиб борилади. Бу эса ибронийчанинг замонавий кодлаш ва муҳандислик дунёси билан тўлиқ интеграциялашувини таъминлаган.

Бу икки давлат тажрибаси бир ҳақиқатни англатади. Технология тили бўлиш учун глобал тил, масалан, инглиз тили бўлиши шарт эмас. Бунинг учун миллий тилнинг рақамли инфратузилмасини яратиш, уни сунъий ақлга ўргатиш ва давлат даражасида илмий контентни миллийлаштиришнинг ўзи етарли. Бизнинг назаримизда, ўзбек тилини глобал рақамли майдонда етак-

керак. Шунингдек, рақамли нутқ технологияларини кучайтириш зарур. Ўзбекча овозли буйруқларни тушунадиган ва кўп минг соатлик аудиобазани нутқни матнга, матни нутқга айлантирадиган сифатли алгоритмларни ишлаб чиқиш долзарб масала саналади. Ҳозирда сунъий ақл ўзбек талаффузини танишда оқсайди.

Замонавий илмий-технологик атамаларни шакллантириш ҳам низоҳатда муҳим. Тилда янги технологияларни ифодалайдиган сўзлар бўлмаса, у тилда технология яратиш бўлмайди. ИТ, биотехнология, нанотехнология, ядро физикаси ва космик тадқиқотлар соҳасидаги халқаро атамаларни ўзбек тилига мослаштириш ёки тўғри қабул қилиш тизимини тезкор ишлаб чиқиш лозим. Матнларда сунъийликдан қочиш ва илмий муомалада қулай ва тушунарли бўлишга эътибор қаратиш тўғри бўлади.

Илмий матнларни рақамлаштириш ва очик манбаларга жойлаштириш ҳам зарур масала. Дунё илм-фани ўзбек тилида сўзлашиши, ўзбек олимлари эса ўз тилида дунёга чиқиши керак. Жаҳоннинг энг нуфузли илмий журналлари, Wikipedia мақолалари ва технологик қўлланмаларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳажмини юзлаб баробарга ошириш лозим. Маҳаллий олимларимизнинг илмий ишлари, диссертациялари ва ихтироларини рақамлаштириб, интернетда очик ва қидирув тизимлари топа оладиган шаклда жойлаштириш шарт.

Ахборот технологиялари ва дастурлашнинг ўзбек тилидаги экотизимини яратиш ҳам ўта долзарб масалалардан биридир. Биринчи галда дастурчилар ва муҳандислар авлодини ўз тилимизда тарбиялашимиз зарур. Дунёда энг оммабоп бўлган дастурлаш тиллари (Python, JavaScript, Go) маълумотлар базалари ва булутли технологияларнинг расмий техник ҳужжатларини ва энг нуфузли онлайн курсларни (Coursera, edX) ўзбек тилига тизимли таржима қилиш ва рақамли платформага жойлаштириш ҳамда ўзбек тилида кодлаш қўлланмалари ва очик кодли лойиҳаларни кўпайтириш ҳам керак бўлади.

Ўзбек тилида технологиялар яратаётган мутахассисларни иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим. Дастурий маҳсулотларни, рақамли хизматларни биринчи бўлиб ўзбек тилида тақдим этадиган стартаплар ва компанияларга солиқ имтиёзлари ёки грантлар ажратиш ҳамда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш

керак. Давлат субсидиялари ҳисобидан ўзбек тилида мукамал ишлайдиган миллий қидирув, харита ва сунъий ақл ёрдамчиларини (Жанубий Кореянинг Naver тажрибаси асосида) яратуви маҳаллий компанияларга грантлар ажратиш рағбатлантириш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон бозорига кириб келаётган ҳар қандай хорижий рақамли маҳсулот, маиший техника, операциял тизимлар (масалан, Apple, Microsoft, Google) ва дастурий таъминотларнинг (автомобиллар мультимедияси, смартфон тизимлари) тўлиқ ва сифатли ўзбекча интерфейсга эга бўлиши талабини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим.

Биз асрлар давомида ўзбек тилининг нақадар бой, жозибали ва тароватли эканини, унинг баъдий адабиётдаги бетақдор имкониятларини Навоий ғазаллари-ю, Бобур туюқлари билан исботлаб келдик. Бу, шубҳасиз, миллий фахримиз ва маънавий хазинамиздир. Бироқ бугун дунё ўзгарди. Тўртинчи саноат инқилоби ва сунъий ақл асри тиллар олдига бутунлай бошқа, шафқатсиз талабларни қўймоқда. Бугун тилнинг яшаб қолиши унинг нафосати билан эмас, балки унинг прагматик ва технологик вазифаси билан ўлчанмоқда. Шу боис, бу масалага очик ва тик боқиб, мавжуд жараёни тан олишимиз шарт. Энди тилнинг келажаги унинг қанчалик чиройли шеър ёзишга мослашганида эмас, балки қанчалик мураккаб алгоритмларни ифодалай олиши, янги илмий кашфиётларга пойдевор бўла олиши билан боғлиқдир. Шу жиҳатдан, адабиёт – тилнинг ўтмиши ва юраги, рақамли дунё тили эса унинг келажаги, қонини юргизадиган асосий мушағдир.

Тил яшаши учун унда киберхавфсизлик кодлари ёзилиши, маълумотлар занжирини (блокчейн тизими) таҳлил қилиниши, нейротармоқлар ўқитилиши ва олий математика формулалари ифодаланиши лозим. Қачонки, ўзбек дастурчиси мураккаб код тузилмасини, машина таълим алгоритминини ўз она тилида инглиз ёки рус тилидан кам бўлмаган аниқликда ифода эта олсанга, тилимиз рақамли оламнинг тўлақонли аъзосига айланади. Азалдан дунё қонуниятини шундай. Қайси тилда илм-фан яратилса, ўша тил ҳукмрон бўлади. Алапоқибат, шу тил эгалари дунёни бошқаради. Темурийлар даврида мумтоз ўзбек адабиётининг қудрати ёлғиз ўша даврда яратилган асарлар бадийида эмас, балки Навоийнинг тил билимида, Улугбекнинг фалақийёт илмида, Али Қушчининг математикасида ҳам намоён



Кудратулла ОМОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

бўлган. Биз мана шу йўқотилган мувозанатни тиклашимиз керак.

Бугун ядро физикаси, ген муҳандислиги ва нейробиология соҳасидаги янги кашфиётлар ўзбек тилида тафаккур қилинмаса, чет элда яратилган тайёр технологиялар ва ғояларнинг истезмолчиси сифатида давом этсак, қарамлик руҳиятидан чиқа олмаймиз. Илм ва технология яратилмадиган тил миллий мустақиллиқнинг бош гаровидир. Чет тилини ўрганиш мажбурият, лекин илмни ўз тилида яратиш миллий шаън ва ҳуқуқдир.

Хулоса шуки, тилимизни асраш ва юксалтириш ҳақидаги баландпарвоз ваъзхонликдан амалий рақамлаштиришга ўтадиган кез келди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Жанубий Кореяга ташрифи чоғида корейсларнинг бу борада илгарилаб кетганини таъкидлаб, кўптармоқли ҳамкорлик режасини кун тартибига қўйганида ҳам ана шу талаб ва эҳтиёж мавжуд.

Тилнинг чинакам софлиги ва буюклиги унинг қанчалик қадимийлигида эмас, балки замонавий дунё билан қанчалик ҳамнафас қадам ташлай олишидадир. Биз ўғил-қизларимизга нафақат гўзал ғазалларни ўқиб берадиган, балки уларга сунъий ақл билан ўз тилида мулоқот қилиш, космик технологияларни ўз тилида дастурлаш имконини берадиган қудратли ва жонли тилни меҳор қолдиришимиз шарт. Юқорида қайд этилган рақамли инфратузилмани, илмий база ва тил жозибдорлигини ярата олсак, ўзбек тили яқин келажақда ёлғиз Марказий Осиёнинг эмас, балки глобал рақамли дунёнинг энг қудратли илм ва технология тилларидан бирига айланади. Бу эса Учинчи Ренессанснинг ҳақиқий амалий пойдевори бўлади.



ларни ўрганиш ва яратиш имкониятига эга бўлдилар.

Исроил тажрибаси эса юзийилликлар давомида фақат диний матнларда сақланиб қолган, замонавий илмий атамалардан йироқ бўлган тилни дунёнинг энг илгор стартаплар тилига айлантириш мумкин эканини кўрсатди. Исроилда давлат даражасида фаолият юритадиган Иброний тили академияси киберхавфсизлик, ҳарбий технологиялар, биотехнология ва сунъий ақл соҳасида пайдо бўлаётган ҳар бир янги халқаро атома учун зудлик билан ибронийча муқобил ёки мослаштирилган шаклни яратиш беради. Исроилнинг Unit 8200 бўлинмаси дунёдаги энг қудратли ки-

чи тиллардан бирига айлантириш учун қуйидаги стратегик йўналишларга жиддий эътибор қаратиш ва давлат даражасида тизимли ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Миллий корпус ва сунъий ақл базасини кенгайтириш биринчи навбатдаги масала саналади. Чунки технология ва сунъий ақл матн ҳамда маълумотлар (big data) билан озиқланади. ChatGPT, Gemini каби глобал тизимлар ўзбек тилини мукамал тушуниши ва унда мураккаб кодлар ёза олиши учун миллионлаб сўзлардан иборат Миллий матнлар корпусини яратиш ва очик маълумотлар базасига жойлаштириш



АДИБ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан йиллар давомида кўп бор хизмат сафарларида бўлдим, расмий тадбирлар, адабий анжуманлар, халқаро учрашувларда бирга қатнашдик. Вилоятларга хизмат сафарларида биз билан улкан ёзувчи, атоқли романнавис, ўзига эътибор талаб қиладиган амалдор эмас, боладай бегубор, дилкаш, ўта камтарин бир инсон юрди. Олматаода Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилганда, қозоқлар бу инсонни, яна бир ҳамроҳимиз Носир Фозиловни бағоят эъзозлашди. Қозоқ адабиётининг ийрик оқсоқоли Абжемил Нурпеисовнинг уйидаги зиёфатда Одил акани туғишган иниларидай ҳурмат қилишди. Абжемил оға: “Адил, Чингиз сенга бежиз хат ёзмаган, Улуғбек ҳақидаги романинг шундай эътиборга сазовор, хўб келиштириб язгансан, қўлингдан келади, яна шундай романлар язабер”, деди.

Бир йили Одил ака, Ёқубжон Хўжамбердиев ва мен Андижон орқали қўшни Жалолободга йўл олдик. Таниқли тадбиркор Қодиржон Ботиров замонавий жиҳозланган хусусий университет очган экан, янги олий ўқув юртининг “беточар”ига тақлиф этилганмиз.

Довондаги постлардан бирида ҳужжатларимизни эринмай текширишди (у пайтда тамойил шундай эди). Сержант йигит Одил акага тикилиб қаради-да, паспортларини бизларни-кидан кўра кўпроқ, қизиқсиниш билан varaқлаш бошлади. Ҳўжжатдан кўзини узиб, яна Одил акага қарайди. Устоз буни сезиб: “Ҳай, бала, чол кишининг нимасини текширасан, мени қўйиб, мана буларни текшир, кунда шу ердан бир нималарни кўтариб ўтади”, деди. Сержант бироз ўйланиб турди, сўнг ишовнчсизгина: “Сиз... Одил Ёқубов экансиз-да?” деди. “Ҳа, шундай, паспортга язиб қўйибди-ку”, деган жавобни эшитган, бизни шу ҳолда қолдириб, йўл четидаги хизмат хонасига кириб кетди, зум ўтмай қўлида китоб билан, хонадаги шерикларини бошлаб қайтиб келди. “Кўҳна дунё”, ўқилавериш титилиб кетган. Йигитлар Одил акадан шу китобга дастхат ёзиб беришини илтимос қилишди. Одил ака кўнмади. “Китобни жуда эскитиб юбарибсизлар, Тошкентга борсаларинг, биттадан китоб язиб бераман”, деди. Йўл соқчилари хурсанд бўлиб, бизга оқ йўл тилашди.

Йўлга тушдик, деярли гап-сўзсиз Жалолободга етиб келдик. Мезбонлар Одил акага шундай ҳурмат кўрсатишдики, бунақаси камдан-кам бўлади. Қодиржон устозни худди отасидай кутиб олди. Қиз-келиндар ўраб олишган, савол устига савол беришади. Сўзларини эътибор билан тинглашади, юзига диққат билан қарашади. Кейинроқ бу эътиборнинг сирини билдим. Хайр-лашаётганимизда аёл ёзувчилардан бири Одил аканинг олдига келиб: “Романларингизни қирғизча ёсангиз яхши бўларди-да”, деб қолди. Устоз аёлга қараб эмас, бизга сал ўгирилиб, “Ҳа, язамиз, язамиз”, деди. Ҳазил-мутойибани тўхтатмай, Андижонга қайтдик, Шахрихонга келиб тўхтадик. Бизни бир гуруҳ ижодкорлар кутиб турган экан. Назиржон Саидов устоз елкасига тўн ёпди, шу ерлик таникли тадбиркор, кўп йиллик дўстим Нозимжон Ҳасанов Одил акага маҳаллий усталар ясаган серхашам қилич совға қилди.

Бундай хотиралар жуда кўп. 1996 йили Тошкентда Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубовнинг ҳаракатлари билан Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси тузилди. Бу хусусда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Унда ушбу янги ташкилот олдида минтақа мамлакатлари ўртасидаги азалий дўстлиқни мустаҳкамлаш, муштарак меросни авайлаб-асраш, ёндош-қондош халқларнинг тарихий бирлиги ғоясини улуғлаш вазифаси қўйилди. Ташкилий қурултойда Чингиз оға ассамблеянинг Президенти, Одил Ёқубов ва Абдулла Орипов вице-президентлари этиб


ОДИЛ ОҒАНИНГ АРМОНИ

Хотира-эссе

саяланишди. Умидбахш ишлар бошланиб кетди. Олимлар, шоир-ёзувчилар, маданият вакиллари ўртасидаги узилиб қолган ижодий ҳамкорлик алоқалари тиклана бошлади. Ўзбек матбуотининг дарғаларидан бири даражасига кўтарилган истёбодли журналист Анвар Жўрабоев раҳбарлиги-

ташланиб қолишлари аниқ. Қисқаси, Айтматов ўртага тушмади. Кейинроқ, бу воқеага мутлақо дахли йўқ бошқа муаммо боис, ҳамма иш чаппасидан кетди. Ассамблея ўз-ўзини тарқатиб юборди. Бу энди – бошқа мавзу.

Шундан кейин Одил ака ҳаётида қандайдир сокинлик юзга келди. Бир



да “Марказий Осиё маданияти” номли газета фаолияти йўлга қўйилди.

Уша кунларни эслашимнинг боиси – қурултойга икки-уч кун қолганида, қўшни республикаларнинг фаол зиёилиларидан иборат вакиллар Тошкентга келди. “Шелковичная” деб аталадиган чоғина меҳмонхона икки кеча-кундуз ҳис-ҳаяжонли, уйқусиз штаб-квартирага айланди. “Ҳар тўқисда бир ғавғо” деганларидек, бўлажак ассамблея фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқиляётганида Чингиз оға жуда ҳориди. Одил ака тиним билмади. Эрталабгача ухламай, кўзлари қизарган ҳолда муроса йўлини қидиришди. Биргина ассамблея номи хусусида роса икки кун тортишув бўлди. Тақлиф қиритишда қозғистонлик ва тожикистонлик вакиллар ўз фикрларини очик баён қилишди, туркманистонликлар ўзларини вазмин туғдилар. Ўшанда мен Чингиз Айтматовни ўзим учун тажрибали дипломат-музокарачи, Одил Ёқубовни сабр-қаноатли, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳиссиётга берилмайдиган кенгфеъл раҳбар сифатида кашф этганман. Орадан йиллар ўтди. Айтматов тез-тез Тошкентга келиб турди, бошқа вақтлари Люксембург, Париждан туриб бўлса ҳам бошқарувни қўлида сақлади. Асосий иш Одил аканинг зиммасига тушди.

2001 йили эди. Қўшни мамлакатда айрим депутатлар оқин сув тақсимоти билан боғлиқ масалани парламент-да муҳокама қилиб, амалда мавжуд халқаро конвенцияга мос келмайдиган тақлифни ўртага қўйишди. Катта раҳбар мени қақриб: “Чингиз қаерда, эшитган бўлса керак, нега жим турибди? Тоғиб айтингла, бир нима десин”, деди. Уша заҳотиёқ Одил аканинг олдига бордим. Масалани тушунтирдим. “Чингиз Айтматовга ўзингиз тушунтирасиз-да”, дедим. Одил ака бироз ўйланиб турди-да, ёрдамчи йигитни қақирди. У Париждаги меҳмонхоналардан бирига боғланиб ва орадан бир-икки дақиқа ўтгач, Айтматов билан саломлашиб, қўл телефонини Одил акага узатди. Одил ака “Чингиз, салам, амансинби”, деб гап бошлади ва “Менинг олдимда давлат маслаҳатчиси, сен танийсан – жердешинг Аҳматжан ўтирибди, сенга бир оғиз гапи бор экан”, деб телефонни менга берса бўладими?

Ҳаяжон босди. Аммо ўзимни тутиб, айтмоқчи бўлган гапимни айтдим. Чингиз оға бироз ўйланиб туриб, “Ай, мен буюкда болсам, тиякда (у ёқда) бундай гаплар болиптир, ўқдим, эми Аҳматжан, мен аралашсам қандай болот экен-а?” деди. Билдимки, аралашши нияти йўқ. Бир нима деса, “Айтматов кимнинг томонида?” деб унинг ўзига

тахририят янги роман қўлёзмасини ўзига қайтариб берди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 50 йиллигини ўтказаяётганимизда озроқ асабийлашди. Туғилган кунининг 80 йиллигида қозғистонлик дўстлари Тошкентга келиб, катта дастурхон ёзишди. Номи рўйхатларда камроқ кўринадиган бўлди. Бундай пайтда биз устозга қўлдан келганча кўмакдош бўлиб турдик. Одил ака ҳар-ҳар замонда тахририятга кўнғироқ қилиб: “Ай, ҳадеб ишлайверасизларми, келинлар-да бир, норин тайёр, бошқа нарсалардан ҳам бор”, дер эди. Бир гал “Ярдмларинг керак бўлиб қолди. Бизнинг кўчада уч кундан бери чироқ йўқ. Эски Магнитогорский кўчаси. Раҳбарларига кўнғироқ қилинлар-чи. Мендақа қари чолнинг айтгани бошқа, сизларники бошқа”, деб қолди. Уша кунийёқ Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосарини топиб, ундан илтимос қилдим. Хайрият, Одил Ёқубов деган ёзувчи борлигини билар экан, “Э, биз у кишини ҳурмат қиламиз, ҳозир ўзим шуғулланаман”, деди. Кечга яқин телефон гўшагидан яна устознинг овози келди: “Ай, ҳаммани оёққа турғизиб юборибсизлар-ку, келиб яқиб беришди. Раҳмат. Энди келинлар, чироқ янганини овайлик...”

Орадан бир-икки кун ўтгач, Мурод Абдуллаев билан устозни кўргани бордик. Бироз ҳорғинликлари бизни кўриши билан тарқаб кетгандай бўлди. Дастурхон мўл. Шундай келиб туринлар-да, дея бир яйради, бир яйради устоз.

Сўхбатимиз узоққа чўзилди. Одоб сақлаб тинглаб ўтирдик. “Осий банд”нинг қўлёзмаси журналдан қайтганини айтиб, бироз асабийлашди. Озод акани қаҳрамонлик унвони билан қандай табриклаганини эслади, Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар” романини ўқиган экан, “Чингиз – Чингизда, нима ўзишни билади”, деди. Шу жойда устоздан бир-иккита ўзим учун муҳим нарсаларни сўраб олишга ҳажм этдим. Одил ака ўйланиб туриб, шундай жавоб қилди: “Чингиз улуғ язувчи. Ҳеч биримиз қилмаган ишларни қилди. Аммо... бу дунёда сизу биз тушунмайдиган нарсалар ҳам кўп-да. Катта адалларнинг хатаси ҳам катта бўлади. Беайб парвардигор. Шундай...”

Бу гаплар биз учун нечоғли қизиқ ва муҳим бўлмасин, устозни чарчатиб қўймаслигини ўйлаб, тараддулланамиз. Ҳадеб бир нималарни сўрайверибдан ўзимизни тиямиз. Аммо Одил ака гапдан гапга очилиб борардики, биз шундай улуғ ижодкор билан ёнма-ён ўтирганимиздан, у кишига замондош бўлганимиздан ич-ичимиздан ғурурланиб ўтирардик. Фақат, бу гўзал сўхбат устоз билан бизнинг сўнгги мулоқотимиз эканини билмасдик...

Бир хотира. Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Иссиққўлда аънавий форум ўтказилди. Иброҳим Ғафуров, Ҳамидулла Болтабоев, мен ва яна уч-тўрт киши иштирок этдик, адиб яшаган уйда ташкил этилган музейни бориб кўрдик. Чингиз оғанинг Ўзбекистонда чоп этилган китобларидан олиб борган эдик, уларни музей фондига топширдик. Тадбирларда ёзувчининг

синглиси Роза (Розалия) Айтматова билан учрашиб, Ўзбекистонда улуғ ёзувчи хотирасини абадийлаштиришга доир қилинаётган ишлар, илмий тадқиқотлар тўғрисида сўзлаб бердик. “Акамнинг Ўзбекистонда дўстлари кўп эди. Париж ёки Брюсселдан қайтишда Тошкентга кўниб ўтар, қадрдонлари билан мириқиб суҳбатлашмаса, кўнгли ўрнига тушмасди, – дея гап бошлади опа. – Одил Ёқубов билан чин дўст эди. Унинг рус тилида чиққан “Улуғбек хазинаси” романини ўқиб, шундай таъсирландики, бир неча кун шу асар воқеалари хаёлини банд этганини бизга ўзи гапириб берганди. Орадан кўп ўтмай, роман муаллифига хат ёзганини эшитдик. Мен ҳам бу асарни ўқиб чиққанамда, Одил оға ҳам акам каби ҳаётнинг кўп қағир йўларини босиб ўтгани, уруш қатнашчиси эканини билиб олдим. Акам билан учрашганимизда гап, албатта, ўзбек қадрдонларига буриларди. Одил Ёқубовни “худди исмидай одил, ростгўй, тўғрисуз, содда одам, аммо қалами ўткир, фикри теран”, деб таништирган, яна: “Одил дўстим мен келишим билан қўй сўйиб, меҳмон қилади, оиласи, фарзандлари жуда меҳмондўст. Одил яқинда яна икки дўстим – Суён Қораев, Зиёд Есенбоев билан Таласга, менинг юбилейимга келади, биз ҳам уларни яхши сийлашимиз керак”, дегани ёдимда. Акам Абдулла Ориповни “Ўзбек поэзиясининг янги қуёши” деган. Шароф Рашидовнинг иниси Асил Рашидовдан ҳам миннатдор бўлиб юрди”.

Одил акадан катта адабий мерос қолди. “Одил Ёқубов неча юз йиллардан кейин ҳам қанча-қанча авлодларимизга суюкли бўлиб қолади. Китобларни ўқилади, – деган эди Абдулла Орипов. – Чингиз Айтматов “Улуғбек хазинаси”ни ўқиб, унга ёзган хатининг ўзи номини абадийлаштириб қўйди. Қани, яна кимга шундай хат ёзган?! Бир вақтлар иккалаимиз СССР халқ депутати бўлиб сайланганмиз. Ўшанда Москвада съезднинг бош миёнбасарида чиқиб, жасоратли нутқ сўзлади. Минбарга чиқиш учун навбатга ёзилиш осон бўлгани йўқ. Бу ишга делегациямиз раҳбари аралашди. Одил ака қатъий турди, жиддий тайёргарлик кўрди. Ўзбекистонни, ўзбеки, пахта, пахта далаларида умри ўтаётган муштипар, хаста ўзбек аёлини мутлақо билмайдиганлар ҳам ўринларидан туриб, узоқ қарсак чалди. Айтса, гапирса булар экан-ку, дейишди. Съезд руҳи ўзгарди. Озод Шарафиддинов: “Одил, умр бўйи ёзганинг биттаю, шу чиқишинг битта!” деб узоқ вақт мактаб юрди, “Нутқ” деган катта мақола ёзди. Ўша пайтда тўқилиб бораётган қудратли мамлакатнинг Болтиқбўйи қисмида ўзига хос норозилик исёнлари бўлиб турарди. Бир-икки кун бирор воқеа юз бериши мумкинлиги, ҳаммамиз олазарак бўлиб турдик. Одил акага, ҳар қалай, тегишмади, бошқа пайт бундай шаккоқлик учун қамалиб кетиши ҳеч гап эмасди. Йиллар ўтсаям, Одил ака эл-юрт хотирасида албатта қолади. Ҳали қанча хотиралар ёзилади”.

Хотира-эссега шу ерда нуқта қўймоқчи эдим. Аммо унга ўзим қўйган сарлавҳа ёдимга тушди. Дарвоқе, Одил Ёқубовнинг армони нима эди?

Бошқа бир гал Одил аканинг олдида жиддий иш билан борганимда, сўхбатимиз ўз-ўзидан Москвадаги жасоратли чиқишга бурилди. Одил ака зерикиброқ ўтирган экан, яйраб гапирди: “Аваллига ҳаяжон босди. Сўзини сал чўзворганларни съезда раислик қилаётган Лукьянов тўхтатиб турибди. Мени тўхтатмади. Гапириб бўлдим. Президиумда ўтирганларни билмадим, аммо бутун зал ўрнидан туриб, қарсакини уриб турибди. Улар орасидан ўтиб, жойимга боришим керак. Кўзим Сахаровга тушиб қолди. Бу улуғ инсон ҳам ўрнидан туриб қарсак чалмоқда. Юрагим гупурлаб кетди. Танаффуз бўлди. Ҳамма мени ўраб олган. Табрик устига табрик. Мен бўлсам, Сахаровнинг олдига бориб, бу буюк инсонга раҳмат деб қўйишни унутибман. Шу нарса армон бўлиб қолди-да...”

Устознинг бошқа армонлари ҳам бор эди. Армон деганлари кимда бўлмайди, дейсиз. Аммо бу хусусда бирор марта бўлсин, гап очмади. Негаки, кўнгли хотиржам, ҳаммаси ўрнига тушишини яхши биларди. Шундай бўлди ҳам.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



“ХАУВАР—25” ДА НИМА ГАПЛАР?



Бошланиш 1-саҳифада.

– Авваламбор, шуни таъкидлаш керакки, мухтарам Президентимиз бошчилигида давлат томонидан яратиб берилган қўлай имкониятлар туфайли нашриётимиз қисқа вақт ичида ўз фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишга эришди. “Ялдо кечаси” романи йил давомида ўқувчиларнинг талаблари ҳамда китоб савдоси ва тарғиботи билан шуғулланидиган ташкилотларнинг буюртмаларига кўра, лотин ва кирилл ёзувларида бир неча бор қайта чоп этилди ва таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларга етказиб берилди. Аиникса, ёшларимиз ўртасида романга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани барчамизни мамнун этади.

Асар мамлакатимиз ва чет элларда ҳам кенг эътироф этиляётгани диққатга сазовордир. Буни китоб ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда унлаб тақриз ва мақолалар, таҳлилий-танқидий материаллар, ҳатто, алоҳида рисо-лалар эълон қилинган, муаллиф номига юзлаб хатлар келаётгани ҳам тасдиқлайди. Хусусан, асарни тарғиб этишда қанбозлик кўрсатган ҳурматли “Jadid” газетаси тахририятга чин дилдан миннатдорлик билдиради.

Биз – нашриёт вакиллари “Ялдо кечаси”га бағишланган чиқишларнинг барчасини синчиклаб кузатиб, ўқулаб бормоқдамиз. Шу ўринда ушбу фикр-мулоҳазаларнинг ҳажми роман ҳажмидан бир неча марта ошиб кетганини ҳам қайд этиш жоиз. Уларни алоҳида китоб шаклида чоп этишни режалаштирганмиз.

Бугунги кунда романни қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, тожик, турк, араб тилларига таржима қилиш, уни араб ёзуви-га асосланган эски ўзбек алифбосида чоп этиш, аудиокитоб ва кино вариантлари яратиш бўйича республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги турли нашриётлар, адабий журналлар, студиялар ва таржимонлардан тақлифлар келиб тушмоқда. Биз бу тақлифларни асар муаллифи билан биргаликда жиддий ўрганиб чиқмоқдамиз.

Шунингдек, “Ялдо кечаси” мотивлари асосида “Сўз” лойиҳаси доирасида сахна томошаси ҳам тайёрланиб, республикамизнинг вилоят ва шаҳарларида муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Жорий йилда мухтарам Президентимизнинг Фармонида мувофиқ, адабимиз Хайриддин

Султоннинг “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси” фахрий унвони билан тақдирлангани у кишининг барча муҳлислари қатори биз – нашриёт ходимларини ҳам беҳад қувонтирди.

Жамоамиз илк ютуқлардан руҳланиб, яна бир муҳим лойиҳани амалга оширди. Хайриддин Султоннинг “Осмоми фалакларда” номли ҳикоялар тўпламини моҳир таржимон Саодат Комилова таржимасида рус тилида нашр этдик. Машаққатли ва шарафли қасб эгалари бўлган учувчилар ҳаётига бағишланган “Стихия небесная” номли бу ажойиб асар нафақат юртимиз китобхоналари, балки қўшни давлатлар адабий жамоатчилиги томонидан ҳам қизгин кутиб олинди. Жумладан, Қозғистонда чиқадиған “Простор” журналі мазкур ҳикояларни қўчириб босган бўлса, Қирғизистондаги “Ала-Тоо” адабий журна-лининг уч сонида уларнинг қирғиз тилига таржимаси чоп этилди. Ҳозирги вақтда ушбу туркум таникли адиба ва таржимон Инна Фролова томонидан беларус тилида нашрга тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, китоб асосида режиссёр Жаҳонгир Қосимов суратга олган “Осмоми фалакларда” номли икки фильмдан иборат кинодилогия яқин кунларда Россияда бўлиб ўтадиган “Антарес” халқаро кинофестивалида намо-йиш этилиши кутилмоқда.

Нашриётимиз Хайриддин Султон билан узоқ муддатли шартнома тузган бўлиб, айни пайтда биз қадрли муаллифимизнинг олтига янги китобини чоп этиш учун сўнгги тахрир ва бадийий беэаш ишларини амалга оширмоқдамиз. Насиб этса, яқин кунларда “Табибларим”, “Илоҳиёт дарси”, “Умрбоқий мавзулар”, “VIP (Баландамаком шахслар)”, “Ҳабибларим”, “Йўлларда” деб аталадиган китоблар туркумини юксак дидли ўқувчиларимизга тақдим этамиз.

Турли даврлар ва мамлакатларни, ранг-баранг адабий жанрларни қамраб оладиган, ғаройиб тақдирлар ҳақида ҳикоя қиладиган, гоҳо шоҳиёна, гоҳида эса маҳзун оҳанглар билан йўғрилган бу асарлар ғоят қизиқарли ва мароқли бир услубда битилган. Китобларнинг ҳажми у қадар катта эмас, ҳар бири ўртача тўрт-беш босма тобонки ташкил этади. Аммо инсон деган сирли хилқатта, тарих ва бугунги замон воқеалигига файласуфона ёндашув, самимий юмор туйғуси ва тўпламларнинг барчасини мантикий ва рухий-маънавий жиҳатдан ўзаро бирлаштириб туради.



Қирғиз Республикаси Президенти фармониға мувофиқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва адиб, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун “Дўстлик” (“Достук”) ордени билан тақдирланди. Муқофотни 14 сентябрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров топширди.

Устоз ижодкорни юксак эътироф билан қизгин кутлаймиз!



ХОРАЗМ ЖАДИД МАКТАБЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

— Муҳаммад Раҳимхон соний ташаббуси билан Хива, сўнгра Янги Урганч шаҳарларида жадид мактаблари ташкил этилгунча бўлган даврда, Туркистоннинг бошқа ҳудудлари сингари Хоразмда ҳам анъанавий, асосан диний билим бериладиган мактаблар ҳамда рус-тузем ва Оқмачит қишлоғидаги немис меннонитларининг мактаби мавжуд эди. Яъни, таълим соҳасида, оз бўлса-да, ўзига хос рақобатчи даргоҳлар фаолият юритарди. Гарчи, хонлик давридаги мактаблар Шарқнинг тараққиёт йўлига кирган давлатлари, Европа мамлакатларига қараганда бироз ортда қолган бўлса ҳам, таълим соҳаси ўз даврининг саводхон қатламини юзга чиқаришга хизмат қилган. Бу мактаблар Хива хонлигининг ҳар бир беқлигидаги қишлоқларида бўлган. Мактабни битирувчилар мадрасаларда ўқиш учун имкониятига қараб Хива, Бухоро ва бошқа шаҳарларга йўл олганлар.

Аллома Абдулла Болтаев келтирган Хива шаҳри ва унинг атрофидаги мадрасалар рўйхатида XIX аср охиридаги 64 та мадраса номи, барпо этилган йили, ҳужралар сони ва вақф ерлари қайд этилган. Ундан ташқари, хонликдаги беқликларда ҳам мадрасалар, табиийки, мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Ана шундай вазиятда ўз номи билан янги — жадид мактабларининг иш бошлаши учун давлат миқёсида хайрихоҳ керак эди. Чунки XIX аср охирида Туркистоннинг турли ҳудудлари: Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро амирлигида ташкил этилган жадид мактаблари мутаассиб қадимчилар томонидан таъзиққа учраган ҳолатлар кўп кузатилган. Хоразмда эса ҳукмдор Ферузахоннинг хайрихоҳлиги ва жадид мактаблари фаолиятини қўллаб-қувватлаши боис, таълим соҳасидаги янгиликларга қаршилик кўрсатилмаган.



Бобоихун Салимов

“Таржимон” газетасининг 1898 йилдаги хабарига кўра, дастлаб Хива, сўнгра Янги Урганчда жадид мактаби ташкил этилган. Хоразмнинг биринчи жадид педагоглари эса оренбурглик Муҳаммад Вафо, мулла Абдурахмон афандилар бўлишган. Мактабга ўқитувчилар маҳаллий ёки қўшни ҳудудлардан эмас, Оренбургдан тақлиф қилинганнинг сабаби, уларда янги усулдаги мактаблар олдин ташкил этилган ва тажриба, ўқитиш услуби юқори эди. Вақт ўтиб, хонликдаги жадид мактаблари Хивадан то Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой сингари ҳудудларда ҳам очилган ва 1920 йилда уларнинг сони 20 тани ташкил қилган.

Жадид мактабларига дастлаб Оренбург, Қозон, Қрим, Тошкент, Намангандан ўқитувчилар тақлиф қилинган бўлса, кейинчалик улар сафида маҳаллий педагоглар ҳам фаолият кўрсатган. Айни пайтда, Исмоил Ғаспирли Хоразмда жадид мактабларига давлат раҳбарлари, амалдорларининг хайрихоҳлигидан қувонгани ҳолда, бошқа бир зарур масалага ҳам эътибор қаратиб ўтганди: “Мактаблар очилиши, кўпайиши лозим... Боқчасаройдан олинган дарс китобла-



ри, Қозондан чақирилган муаллимлар Хивага энди тўғри келмайди, ярашмайди. Энди Хиванинг ўзидан муаллимлар етиштирмоқ керак ва Хивада чоп этиладиган алифболарни яратмоқ керак” (“Таржимон” газетаси, 1913 йил, 278-сон).

— **Жадид мактабларини Ферузахон, бош вазир Исломуҳжа ва бошқа амалдорлар қўллаб-қувватлашдан ташқари, ишни тизимли йўлга қўйиш учун қандай ишлар амалга оширилган?**

— “Таржимон” газетасидаги хабарга кўра, 1907 йилнинг 28 майида Асфандиёр ва Исломуҳжа, 31 май кун қозикалон, мударрис, охунлар иштирокидаги имтиҳон ҳайъати ўқувчиларни синовдан ўтказди. Яъни, Хивадаги дастлабки иккала жадид мактабнинг 113 нафар талабаси ҳайъатга имтиҳон топширади ва, ҳайратланарлиси, ҳаммаси “аъло” баҳо олади. Имтиҳон натижасидан руҳланган валиаҳд Асфандиёр, бош вазир Исломуҳжа ва қозикалон Салимохунлар ўзаро маслаҳатлашиб, Қозон шаҳридан ушбу мактаблар учун яна икки нафар ўқитувчи тақлиф қилишга қарор қилишади. Шу билан бирга, Хоразмда жадид мактабларини кўпайтириш, ўқув жиҳозлари, адабиётлари билан таъминлаш, улардаги таълим сифатини назорат қилиш учун Рамазон Муҳаммад Каримзода мактаблар нозирли қилиб тайинлашади.

Яъни, кейинчалик совет даврида туман (шаҳар) халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, деярли номланган ташкилотлардан анча олдин — 1907 йилда бундай бошқарув тизимига биринчи бўлиб Хивада асос солинган. Жадид педагоги Рамазон Каримзодага Хива, Янги Урганч шаҳарларидан бошқа ҳудудларда ҳам “усули савтия” масканларини ташкил этиш, уларга малакали педагоглари жалб қилиш, дарслик, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Бундан ташқари, бош вазир Исломуҳжа томонидан ташкил этилган “Таъсисоти хайрия”, Хусайин Қўшаев ташаббуси билан “Янги Урганч саводхонлиги жамияти”, Бекжон Раҳмон ташкилотчилиги асосида “Турк адабияти маркази Хоразм бўлими” сингари жамиятлар фаолият олиб борган. Уларнинг асосий мақсади ҳам жадид мактаблари учун бинолар барпо этиш, камбағал оилалар фарзандлари учун тўлов қилиш, иқтидорли йигит-қизларни хорижда ўқитиш, таълим даргоҳларини дарслик, китоблар билан таъминлаш, педагогларга зарур шароит яратиш беришдан иборат эди.

— **Тарихдан биламизки, Хивада тошбома 1874 йилда ташкил қилинган. Сўрамоқчи бўлганим, жадид мактаблари учун Хиванинг ўзида ҳам дарслик чоп этилганми ёки фақат четдан келтирилганми?**

— Бу мактабларда Исмоил Ғаспирли асарлари, шунингдек, Бехбудий, Ибрат, Мунаввар қори, Авлоний каби жа-

дидларнинг дарсликлари билан бирга, Бобоихун Салимов, Бекжон Раҳмон яратган “Ўқиш китоби” ва “Алифбе” дарсликлари ҳам ўқитилган. Хивадаги Отажон Абдоловнинг матбаахонасида Қозон, Қрим, Тошкентда яратилган дарслик, фанга оид китоблар қайтадан кўп нусхада чоп этилган ва мактабларга тарқатилган. Шунингдек, шоир Аваз Ўтар 1906 йили Кавказдан қайтишида Сафарали Валибейовнинг “Ватан тили”, “Усули жадид”, “Лисоний форсий” номли асарлари ва “Ҳазинаи ахбор” номли икки жилдлик қомусий лугатини Хоразмга олиб келади. Қози Маулик номи билан танилган, бошқирд миллатига мансуб Аббос Амантев эса Бухородаги мадрасани 1912 йилда тугатиб, Чимбойда ташкил қилинган жадид мактаби болаларини бепул овқатлантириб, уларга таълим бера бошлайди. Қози Маулик Чимбойда китоб дўкони ҳам очиб, унга турли шаҳарлардаги босма-хоналарда чоп этилган китобларни келтиради ва ўзи ҳам котиблар жамоасини ташкил қилиб, дарсликлардан нусхалар кўчиртиради. Наманганлик Сўфизода ҳам 1910–1913 йилларда Қўнғиротдаги жадид мактабларида устозлик қилиш билан бирга, ўзи билан бирга қўллаб дарсликларни олиб келган.

— **Жадид мактабларида ижодкор педагоглар ҳам бўлганми?**

— Ҳа, албатта. Водийдаги қадимчилар таъзиқи сабаб, Муҳаммадшариф Сўфизода 1910–1913 йилларда Қўнғиротдаги жадид мактабда фаолият кўрсатган. У Намангандаги Исҳоқхон Ибратнинг босмахонасида чоп этилган, шунингдек, Бокуда нашр қилинган дарслик ва китобларни Хоразмга олиб келиб, уч йил давомида самарали фаолият олиб боради ва маҳоратли педагог сифатида танилади.

Тарихдан маълумки, Қўнғирот савдо ва иқтисод ривожланган, табиати



Комил Девоний

худди водийники сингари баҳаво ҳудуд сифатида ҳам машҳур эди. Бу вақтда фақат Сўфизода эмас, Тошкент, Қозон, Оренбургдан яна қўллаб педагоглар Хоразмда фаолият олиб боришарди. Асли қозонлик ва 1912 йилдан Қўнғиротдаги жадид мактабда педагоглик қилган, кейинчалик Қорақалпоғистонда таълим тараққиётига катта ҳисса қўшган Сейфулғабид Мажидов ҳам шоир бўлган. Оренбурглик Абдурахмон афанди, қозонлик Абдулла Салим, Марям Ағишева, Хусайин Қўшаев, Комила Қўшаева, Давид Бакиров, Мухтор Бакиров, Рамазон Сайдашев, тошкентлик Хусайн Иброҳимов ва бошқалар Хоразм таълим тараққиётига катта ҳисса қўшган педагоглар ҳисобланади.

Шунингдек, “Таржимон” газетасига дастлаб Тўртқўл, сўнгра Хивадаги почта-телеграфдан Қримга, Исмоил Ғаспирлига мақолалар, хабарлар жўнатиб турган Рамазон Сайдашев ва Ғофур Усманий Хоразмнинг олд жадид педагоглари, журналистлари бўлишган. Афсуски, ушбу икки ижодкор педагогнинг ҳаёти ва фаолияти тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Шу боис, улар фаолиятига қисқача разм солсак. Рамазон Сайдашев дастлаб Хивадаги рус-тузем, 1906 йилдан эса Мамат маҳрамнинг жадид мактабда фаолият кўрсатган. Айни вақтда, Хоразмдан Қримга — “Таржимон” газетаси бош муҳаррири Исмоил Ғаспирлига мақолалар жўнатиб турган. Исмоилбек Ғаспирли Хоразмдан келган ҳар бир хабарни газетда “Хивадан мактуб” руқнда “Мулла Рамазон”, “Рамазон Сайдашев”, “Р.Сайдашев” номлари билан эълон қилиб борган. Олдинлари Россия, Кавказ, Туркистондаги газета-

лар ва мухбирлар орқали ёритилган Хоразм билан боғлиқ жараёнлар бевосита Рамазон Сайдашевнинг журналистлик фаолияти орқали Қримда нашр этилиб, турли ҳудудларга етиб борди.

Ғофур Усманий Хива, Янги Урганч шаҳарларидаги жадид мактабларида ўқитувчилик қилган. Рамазон Сайдашевнинг таълим ва матбуот соҳасидаги шогирди. Унинг Хоразмдаги таълим, тиббиёт ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги мақолалари “Вақт”, “Таржимон” газеталарида мунтазам чоп қилинган. Қрим, Қозон, Тошкент, Хива шаҳарларидаги архивларда изланишлар олиб борилса, “Хоразмнинг жадид педагог ижодкорлари фаолияти ва уларнинг таълим, адабиёт ва матбуот соҳаларига қўшган ҳиссаси” мавзусида диссертация, монография ёзиш имкони мавжуд.

— **Педагоглар орасида аёллар ҳам бўлганми?**

— Албатта. Хива, Янги Урганч, Тўртқўл шаҳарларида қиз болалар таълим оладиган алоҳида жадид мактаблари фаолият олиб борган. Комила Қўшаева Хоразмдаги жадид мактабларида фаолият кўрсатган маърифатпарвар Хусайн Қўшаевнинг турмуш ўртоғи эди. Комила Қўшаева ўқувчиларга математика фани, Ғаспирлининг “Хожаи сибён”, Мунаввар қорининг “Усули ҳисоб”, Саидрасул Азийнинг “Устози аввал”, Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим” китобларидан сабоқ берган. 1904–1906 йилларда Хивадаги жадид мактабда, 1906 йилдан эса Янги Урганчдаги жадид мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган. Комила Қўшаева ўқувчиларга сабоқ берибгина қолмай, Янги Урганч шаҳридаги жадид мактабига раҳбарлик ҳам қилган. Асосан қиз болалар таълим оладиган ушбу мактабда Марям Ағишева, Зайнаб Сиддиқова ҳам фаолият кўрсатган.

Комила Қўшаеванинг маслақдош ҳамкасбларидан яна бири Марям Ағишева бўлиб, татар миллатига мансуб бу аёл бош вазир Исломуҳжа томонидан 1907 йилда Қозон шаҳридан тақлиф қилинган. Марям Ағишева Хива шаҳридаги жадидларнинг қизлар мактабда, сўнгра Янги Урганч шаҳридаги жадид мактабда ўқитувчилик қилган. Хоразмлик жадид педагог аёлларининг яна бири Зайнаб Сиддиқова эди. У ҳам Комила Қўшаева, Марям Ағишева билан ҳамкорликда Янги Урганч шаҳридаги мактабда фаолият кўрсатган. Марям Ағишева, Зайнаб Сиддиқова ўзбек тили ва адабиёти, рус тили фанларидан, Бехбудийнинг “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобат ул-атфол”, “Амалиётни ислом”, “Тарихи ислом” китоблари, Исҳоқхон Ибратнинг “Лугати ситтати алсина” сингари дарсликлари ва қўлланмалари асосида сабоқ беришган. Ушбу уч нафар педагог аёл янги усул мактаблари тугатилига бошлаган 1920–1921 йиллардан кейин совет мактабларида фаолиятини давом эттирган. Уларнинг номлари Хоразм жадид педагог аёллари сифатида тарихдан жой олган.

— **Сиз олийгоҳда талабаларга сабоқ ҳам берасиз. Ёшларнинг жадид ҳаракатига қарашлари қандай?**

— Талабалар орасида тарихга, хусусан, жадид ҳаракатига қизиқиш катта. Бугунги ахборот оқими кучайган ва ҳар бир таълим масканида китоблар етарли бўлган даврда жадидларга оид китоблар, тадқиқот ишларини дарров интернетдан, кутубхоналардан топиш мумкин. Аммо, энг асосийси — ана шу китобларни ўқиб таҳлил этишда, жадидлар сингари қатъиятли, иродали, дунёқарашли кенг бўлиб, жараёнларни таҳлил қилиб, моҳиятига ета билишдадир. Бугунги авлод орасида жадидлар меросини ўрганиш, англаш қаторида, улар сингари хорижий тилларни биладиган, бугунги замонавий технологияларни эгаллаган ёшлар кўп. Урганч давлат педагогика институти, Маъмур университетда “Жадидлар боғи” ташкил қилингани таҳсинга лойиқ. Қувонч билан айтишми керакки, кутубхоналарда талабалар “Jadid” газетасида чоп этилган мақолаларни қизгин муҳокама қилаётганини кўп кузатаман.

— **Шундай ёшларимиз кўпайсин. Самиийи суҳбатингиз учун раҳмат.**

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.

ОЛАМ ОЛИМИ



Герхард ЭРТЛЬ

мавҳумлик зангини аритган нобелчи

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Герхард Эртль 1936 йил 10 октябрда Германиянинг Бад Канштатт шаҳрида туғилган. Олий таълимни Штутгарт университетидан олган. Париж ва Мюнхендаги техника университетларида ҳам таҳсил олган.

1965 йили фан доктори илмий даражасига эришгач, Ганновер техника университети (1968–1973) ва Мюнхен университетидан (1973–1986) физик кимё кафедралари директори бўлиб ишлаган. АҚШда тақлиф этилган профессор сифатида хизмат сафарларида бўлган.

1986 йилда Берлиндаги Фриц Габер институтида физик кимё кафедраси директорлигига тайинланди ва 2004 йилда фахрий профессор унвонига сазовор бўлгунга қадар шу лавозимда ишлади.

ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШИ

Олим, асосан, физик кимёнинг сирт кимёси, генероген катализ, каталитик реакциялар, коррозия, аммиак синтези ва газларнинг металл сиртидаги реакциялари билан шуғулланган. Энг муҳим тадқиқотларидан бири — саноатда аммиак ишлаб чиқариш жараёнини ўрганишга ёрдам берди. Аммиак синтези қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Эртль азот ва водороднинг темир катализатори сиртида ўзаро таъсирга қандай киришишини молекуляр даражада тадқиқ қилди. Унинг ишлари катализатор сиртидаги реакцияларнинг мураккаб механизмларини тушунишга ёрдам берди. Унинг ёндашуви кимёвий реакцияларнинг сиртда қай тарзда бошланиши, оралиқ босқичлари ва якуний натижа ҳосил бўлишини аниқлаш имконини берди.

ФАН ВА ТУРМУШ

Эртль тадқиқотларининг амалий аҳамиятидан бири автомобиллардаги чиқинди газларни тозалаш жараёнларини тушуниш билан боғлиқ. Ички ёнув двигателларида ҳосил бўладиган айрим зарарли газлар катализаторлар ёрдамида нисбатан кам зарарли моддаларга айлантирилади. Олим платина каби металл сиртларида углерод оксиди (СО)нинг кислород билан реакцияга киришиб, карбонат ангидрид (СО₂) ҳосил қилиш жараёнини молекуляр даражада ўрганди. Бундай тадқиқотлар каталитик реакцияларнинг механизмини тушуниш ва самарали катализаторларни ишлаб чиқиш учун муҳим илмий асос бўлди.

Темирнинг занглаши кенг тарқалган жараён бўлса-да, унинг сиртида қандай босқичлар кечишини молекуляр даражада тушуниш мураккаб масала ҳисобланарди. Сирт кимёси усуллари орқали олимлар кислород, сув ва металл сирти ўртасидаги ўзаро таъсирларни чуқурроқ ўрганиш имконига эга бўлдилар. Эндилликда металл материалларни ҳимоя қилиш ва уларнинг хизмат муддатини узайтиришга қаратилган илмий ёндашувларни ривожлантириш имконияти кенгайди.

Сирт кимёси бўйича ишлаб чиқилган илмий усуллар атмосферадаги кимёвий жараёнларни тушунишда ҳам қўлланади. Хусусан, стратосферадаги муз кристаллари сиртида содир бўладиган айрим кимёвий реакциялар атмосферадаги моддаларнинг ўзгариши ва озон қатламига таъсир қилувчи жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса сиртдаги жуда кичик масштабда кечадиган кимёвий жараёнлар глобал миқёсдаги экологик ҳодисалар билан қандай боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

ЭЪТИРОФ

Герхард Эртль қаттиқ сиртлардаги кимёвий жараёнларни тадқиқ этишдаги фундаменталь ишлари учун 2007 йилда кимё бўйича Нобель мукофоти билан тақдирлади.

Олим бу йил 90 ёшни қаршилайди. Ҳозир ҳам илм-фанни ривожлантириш ва янги авлод олимларини тарбиялаш билан шуғулланмоқда.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.



“Фикрга қарши фикр билан курашмоқ керак: ғояга қарши ўқ отилмайди.

Антуан РИВАРОЛИ

”



ТАФАККУР ОЛАМИ

Жадид маърифатпарварлари тараққиётнинг энг муҳим шарти сифатида таълимни кўрдилар. Уларнинг назарида, мактаб фақат савод чиқарадиган жой эмас, балки инсонни дунёни англашга, мустақил фикрлаш ва замон билан ҳамнафас бўлишга тайёрлайдиган маскан эди. Бугун, орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтиб, таълим олдида турган савол моҳиятан ўша-ўша: биз ёш авлодга билим беряпмизми ёки фикрлашни ҳам ўргатяпмизми? Бу савол, айниқса, математика таълимига тегишли. Чунки математика дейилганда, кўпчиликнинг кўз олдига формулалар, тенгламалар, мураккаб ҳисоб-китоблар келади. Ўқувчи учун эса математика кўпинча “формулани ёдлаш – мисолни ечиш – жавобни топиш” занжирига айланиб қолади.

Аслида, математиканинг вазифаси бундан анча катта. Математика инсонни ҳисоблашга эмас, аввало, фикрлашга ўргатади.

ЖАВОБДАН КЕЙИНГИ САВОЛ

Ўқувчи масалани ечди. Жавоб тўғри. Дарс тугадими? Йўқ. Математик нуктаи назардан энг қизиқарли қисм баъзан айнан шу ердан бошланади. Нега бу ечим тўғри? Бошқа усул билан ҳам ечиш мумкинми? Масаладаги бирор шартни ўзгартирсак нима бўлади? Бу натижа фақат шу мисолда тўғрими ёки умумий қонуният борми? Мана шу саволлар оддий ҳисоб-китобни тафаккур машқига айлантиради. Ҳақиқий математика “Жавоб неччи?” билан эмас, кўпинча, “Нега?” деган савол билан бошланади.

ЁДЛАШ БОШҚА, ТУШУНИШ БОШҚА

Ўқувчи ўнлаб формулаларни ёдлаб олиши мумкин. Лекин нима учун улар тўғри эканини тушунамас, бу билим узоқ яшамайди. Масалан, Пифагор теоремасини деярли ҳамма эшитган. Аммо математик



учун теоремани ёддан айтишнинг ўзи етарли эмас. Нега айнан шундай муносабат ҳосил бўлади? Уни бошқа йўл билан исботлаш мумкинми? Текислик ўрнига эгри сиртда учбурчак олинса-чи? Оддий мактаб теоремасидан бошланган шундай саволлар инсонни замонавий геометриянинг мураккаб ғояларига олиб бориши мумкин. Илм-фаннинг кучи ҳам шунда: бир жавоб кўпинча янги саволни тугдиради.

ХАТО – ТАФАККУРНИНГ ДУШМАНИ ЭМАС

Таълимда биз кўпинча хатони ёмон натижа сифатида қабул қиламиз. Математикада эса хато жуда фойдали бўлиши мумкин. Баъзан тадқиқотчи бир неча кун давомида исбот куради ва охирида унинг бир жойида хато борлигини аниқлайди. Баъзан тўғри деб ўйланган фикр оддий қарши мисол билан рад этилади. Бу – беҳуда меҳнат эмас. Чунки инсон айнан ўз фикрини текшириш жараёнида чуқурроқ тушунишни бошлайди. Математика одамни “Менимча, шундай” деган фикрдан “Буни қандай асослайман?” деган саволга олиб келади.

Бу эса нафақат фан, балки кундалик ҳаёт учун ҳам муҳим кўникмадир.

РАҚАМ КЎРДИК – ИШОНАМИЗМИ?

Бугунги инсон бир кунда аввалги авлодлар бир неча ойда учратмаган миқдордаги ахборот билан тўқнаш келади. Ижтимоий тармоқда бир статистикани кўрамиз. “70 фоиз одам шундай фикрда”, дейилади. Математик тафаккурга одатланган инсон эса дарҳол савол беради: “70 фоиз кимларнинг орасида? Неча киши сўралган? Танлов қандай амалга оширилган? Бошқа кўрсаткич билан таққосланса, натижа ўзгармайдими?” Рақамнинг мавжудлиги ҳали ҳулосанинг тўғрилигини аниқламайди.

Демак, математик саводхонлик бугун фақат қўшиш, айириш ёки тенглама ечишни билиш дегани эмас. У ахборотга танқидий қарай олиш қобилиятини ҳам аниқлатади.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА МАТЕМАТИКА

Бугунги технологиялар катта ҳисоб-китобларни сониялар ичида бажаради. Сунъий интеллект тенглама ечади, график куради, дастур ёзади. Шунда савол туғилиши табиий: инсоннинг ўзи математикани ўрганиши шартми? Айнан бугун бу янада

муҳим. Чунки машина ҳисобни бажариши мумкин, лекин инсон олдида бошқа вазифа пайдо бўлади: “қайси масалани ечиш керак? Натижа тўғрими? Қайси шартларда тўғри? Машина берган жавобдан қандай ҳулоса чиқариш мумкин ва қайси ҳулосани чиқариш мумкин эмас?” Технология қучайган сари инсоннинг механик ҳисоблаш қобилиятидан кўра, таҳлил қилиш ва савол қўйиш қобилияти қимматроқ бўлиб боради.


ҚАНДАЙ ЎҚИТАПМИЗ?

Бу ерда таълим тизими учун муҳим масала пайдо бўлади. Ўқувчи математикани фақат имтиҳондан ўтиш учун ўрганса, формулани имтиҳондан кейин унутиши мумкин. Агар математика тафаккур воситаси сифатида ўқитилса, унинг самараси бутун умр қолади. Бунинг учун дарсларда фақат тўғри жавоб эмас, фикрлаш жараёни ҳам кадрланиши керак. Бир масалани икки хил усулда ечган ўқувчининг изланиши рағбатлантирилиши керак. Нотўғри ечим нима сабабдан нотўғри эканини муҳокама қилиш ҳам дарснинг бир қисми бўлиши керак. Ўқитувчи “Формулани эслаб қол” дейиш билан чекланмасдан, “Нима учун?” деган саволни ҳам мунтазам бериши керак. Шунда дарснинг мақсади жавоб топишдан фикр қуриш томон ўзгаради.

ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Биз замонавий технологияларнинг тайёр маҳсулотларини кўрамиз: телефон, сунъий интеллект, навигация, тиббий диагностика, рақамли алоқа. Уларнинг ортидаги математикани эса кўпинча кўрмаймиз.

Ҳолбуки, замонавий дунёнинг катта қисми математик моделлар, алгоритмлар, геометрия, эҳтимоллар назарияси ва бошқа математик ғоялар асосида ишлайди. Шу сабабли, мамлакатнинг математика таъ-



Жасурбек АСЛОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
доценти

лимига муносабати фақат битта фан тақдирига муносабат эмас. Бу унинг келажақ муҳандислари, дастурчилари, олимлари ва технологияларига муносабатидир. Бундан ҳам муҳими, математика далил билан фикрлайдиган инсонни тарбиялайди. Далилни талаб қиладиган жамиятда ёлгон маълумотнинг яшаши қийинроқ. Савол беришга одатланган авлод тайёр фикрни шунчаки қабул қилмайди. Муаммони таҳлил қила оладиган ёшлар эса янги ечим яратишга қодир бўлади.

Ўқувчи бир кун келиб айрим формулаларни унутди. Лекин у мактабда савол беришни, фикрини асослашни, далил излашни, хатосини текшириш ва муаммони мустақил ҳал қилишни ўрганган бўлса, таълим ўзининг энг муҳим вазифасини бажарган бўлади. Чунки математиканинг энг катта маҳсули ечилган мисоллар сони эмас. У – тартибли, эркин ва далилга таянган тафаккурдир. Шу маънода, математика шунчаки фан эмас. Математика фикрлаш маданиятидир.

КУЗАТУВ

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Бугунги кунимиздан айланиб-ўргилсанг арзийди! Яқин тарихда ҳам дидингизга ёққан бирор кийим ёки буюм керак бўлса, тўғри дўконга борма, аввал таниш-билиш қидириб, устига “шапка” бериб, иш битиришга тўғри келарди. Энди-чи? Қайси дўконга борманг, истаган нарсангизни топиш мумкин. Кўз тегмасин, бозорларимиз ҳам тўкин-сочин. Авваллари ўзи тугул, ҳатто номи ҳам тушимизга кирмаган, хориждан келтирилган авакадо, маракуя, “аждаҳо меваси”, манго, ананаснинг неча-неча навлари бугун пештахталарда тўлиб-тошиб турибди. Бундай мўл-кўлчиликни яратаётган деҳқону тadbirkorларимизни дуо қиламиз.

Инсофли, виждонли ва иймонли ишбилармонларнинг ўз ишчи-ҳодимларига иш ҳақини вақтида ва етарли миқдорда тўлаши, кун давомида иссиқ овқат билан таъминлаши, байрам арафаларида мукофот пуллари бериб, гоҳида ҳавоси мусаффо, тоғ бағридаги сўлим гўшаларга саёҳатлар уюштириши каби эзгу ишларига фақат таҳсин айтиш мумкин. Одамийлик ва адолат ҳўкм сурган бундай корхоналарда, табиийки, иш унуми юқори бўлади, раҳбарга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ҳам ўз-ўзидан шаклланади.

Бироқ баъзи ноинсоф тadbirkorлар фаолиятидаги оғриқли муаммолар ҳақида ҳам айтиладиган гапларимиз бор. Ҳўкуматимиз ҳам йилга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни мунтазам ошириб боради. Лекин аксарият хўсусий сектор вакиллари кўлида ишлаётган ишчиларнинг маошини негaдир оширмайди. Баъзи корхона раҳбарларининг устamonлигини кўринг: икки ёки уч миллион сўмлик ойликининг ярмини хўжкатга киришиб, қолган ярмини нақд беради. Ахир, бунинг ортидан бечора ишчи эртага пенсияга чиқадиган бўлса, арзимаган нафақа билан чув тушиб қолади-ку! Бундай адолатсизликларга ўзим ҳам кўп бор гувоҳ бўлганман. “Нарх-наво дунё бўйича тинмай ошиб бораётган, бюджет ташкилотларида иш ҳақи ҳар йили кўтарилётган бўлса-ю, бизники негa жойида турибди?” деган ҳақли саволга хўжайинлар совуқонлик билан: “Хўҳласанг шу, бўлмаса, катта кўча. Ўрнингга кўз тиккан одам тикилиб ётибди”, деб жавоб беради. Ишчи эса кўчада қолишдан кўрқиб, ноилж арзон меҳнат эвазига бўлса-да, бошини эгиб ишлашга мажбур.

Яқинда бир корхона ишчисини гапга солган эдим, худди шуни кутиб тургандек “ёрилди-қўйди”:

– Олти нафар ҳайдовчимиз. Асосан корхона ҳудудидaги ишларни бажарамиз. Бундан ташқари, узоқ масофаларга, вилоятларга ҳам юк та-

шиймиз. Баъзан Самарқанд, Бухоро, Наманган, Олмалиқ шаҳарларига машина тўла оғир юкни кечани кеча, кундузни кундуз демай етказамиз. Айниқса, ярим тунда машина ҳайдашнинг машаққати оғир. Ойлик маошимиз эса атиги тўрт миллион сўм. Ваҳоланки, кўчадаги оддий киракашлар бундай оғир юкни бир марта ташиб бериш учун камида бир ярим-икки миллион сўм хизмат ҳақи олади. Иш берувчиларнинг каттани катта, кичикни кичик демай, кўпол муомала қи-




лишига-ку, кўникиб кетдик. Энди яна бир дилорзликини айтсам...

Бош чайқаб, юпатганнамо қулоқ солдим. У давом этди:

– Ўшанда, 31 декабрь куни эди. Катта залда Янги йил байрами тараддуи бошланди. Столлар ноз-неъматларга тўлдирилди. Ишчи-ҳодимлар зални эгаллаб, базми жамийд бошланиб кетди. Бироқ “Ҳайдовчиларсиз ишимиз битмайди-ку, уларсиз корхона фаолияти тўхтаб қолади-ку? Нега дастурхон атрофида кўринишмайди?” дейдиган бир инсофли мард топилмади. Хуллас, жаноб раҳбарлар биздек оддий меҳнаткашларни одам ўрнида кўрмай, кечага таклиф ҳам қилишмади. Бир чеккада бир-биримизга қараб, елка қисганча уй-уйимизга тарқалдик...

Яна бир тadbirkorning корхонасида ўн беш йил ишлаб ҳам косаси оқармаган, олий маълумотли, қирқ беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган нуроний отахоннинг ҳасратини эшитинг:

– Корхонага ишга кираётганимда, “Сизга лойиқ лавозим бераман”, деб ваъдаларни уйиб ташлаган хўжайин сўзининг устидан чиқмади. Фақат “сабр қилинг” дейишдан нарига ўтмади. Мен содда, унга ишониб, қанча қимматли вақтимни бой берибман. Охир-оқибат, расмий маошим камлиги сабабли пенсиям ҳам ниҳоятда оз белгиланди. Ҳар йили давлат иш ҳақини неча фоиз оширса, хўжайин ҳам устamonлик қилиб, хўжкатдаги маошни ўшанчага оширади-да, нақд бериладиган қисмини худди шунчага камайтиради. Натижада, қўлимизга тегадиган умумий пулга



Жаҳонгир ПИРМУҲАММADOV,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

сарик чақа ҳам қўшилмайди. Жаноб хўжайин оддий ишчиларни хўзурига умуман йўлатмайди-лар. “Нима муаммо бўлса, ўринбосаримга учрашинглар”, деган қатъий тартиби бор. Муовин эса ҳеч қандай масалани ҳал қилолмайди.

Кўриб турганингиздек, баъзи ноинсоф тadbirkorлар солиқ тўлашдан қочиб, давлатдан яширинча иш юритади, ишчиларга ўз билан-ларича маош беради. Бундай адолатсизлик ва найрангбозликларга чек қўйиш вақти аллақачон келмадими?! Корхонада ўнлаб одамларни ишлатиб, тегишли ҳисоботларда бир неча кишини кўрсатиб фаолият юритиш инсофданими?! Корхонани корхона, тadbirkorni тadbirkor қилган мана шу фидойи ишчи-хизматчиларга бир оила бошлиғидек, оталарча ғамхўрлик қилиш зарур эмасми? Асосийси, Юртбошимиз иқтисодийetni соғломлаштириш, хўфёна бизнесни пайини қирқиб сиёсатини олиб бораётган бўлсалар...

Шу боис, истардики, ҳар йили давлатимиз томонидан иш ҳақи неча фоизга оширилса, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тadbirkorлик субъектларида ҳам ишчилар маошини худди шунча фоизга мажбурий ошириш тартиби қонунан белгилаб қўйилиши керак. Ана шунда жамиятимиздаги ўта муҳим ҳаётий муаммо адолатли ҳал бўлган, инсонийлик тамойиллари қарор топган бўларди. Халқимизда “Инсоф сари барака” деган нақл бежиз айтилмаган.


ТАХИРИЯТДАН:

Муаллиф – 92 ёшли ҳамюртимизни ижодга алоқадор кўпчилик яхши таниди. Жаҳонгир ота кўп йиллардан бери халқ билан матбуот ўртасида беиниат воситачи вазифасини бажариб келади. Ушбу муносабат ҳам куюнчак зиёлининг, уйғоқ ижодкорнинг ҳолисаниллоҳ мушоҳадаларидир.

ЯНГИ КИТОБЛАР

“Сўз дурин нисор айла...”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилиб, адабиёт ихлосмандларига тақдим этилган янги китоблар орасида “Дориломон кунлар келди” номли муаззам баёз алоҳида ўрин тутати. Ўзбек шоирлари ва адибалари ижодидан сараланган тўплам икки қисмга – шеърият ва наср йўналишларига ажратилган.



Маълумки, халқимиз тарихида илм-фан ва санъат аҳлига ҳомийлик қилиш билан бирга, ўзи ҳам бадиий ижод ёки бирор санъат йўналиши билан жиддий шуғулланган ҳукмдорлар кўплаб учрайди. Бу ҳам, албатта, халқимизнинг юксак маърифатпарварлик хислатларидан далолатдир.

Ана шундай тараққийпарвар шахслар орасида Муҳаммад Раҳимхон Феруз номи алоҳида эътибор ва нуфузга эга. Феруз даврида Хоразм адабий ва маданий муҳити яратилган. Огаҳий, Баёний, Комил Хоразмий сингари таниқли шоир ва олимлар шу даврда баракали фаолият юритган. Шу маънода, Ферузнинг янги чоп этилган “Танланган асарлар”и адабиёт ва тарих илмига қизиқувчи юртдошларимиз учун қизиқарли бўлиши, шубҳасиз. Зеро, шоирнинг ўзи ҳам беназир ғазаллари, маснавий-у муножоти, мухаммас-у мусаддаслари билан: “Сўз дурин нисор айла макдамига, эй Феруз, Базминг ичра келмишлар бу азиз меҳмонлар”, дея дийдорлашувга муштоқ турибди.


“Адабиёт” нашриётида чоп этилган яна бир китоб Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шернинг тўрт жилдик “Танланган асарлар”ининг биринчи жилдидир. Албатта, бугунги ўзбек шеъриятини Абдулла Шер ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шоир бир шеърида шундай ёзади:

Мен бахтлиман: йўлдан озмадим,
Тафт кутмадим йилтироқ муздан;
Шеър ёздимми? Йўқ, шеър ёзмадим,
Мен лопалар ундирдим сўздан.

Лопалардай яшноқ шеърлар ва балладалардан сараланган янги китоб шоир ижоди ҳақида тўлақонли тасаввур беради.

Нигина ИСКАНДАРОВА





АКС САДО



ТАНКИДМИ, ЧАҚИРИК?

Сўнгги ойларда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қахрамони, академик Шавкат Аюповнинг “Jadid” газетасининг 14-сонида чоп этилган “Янги замон илми” суҳбатига қўтарилган масалалар кенг жамоатчилик, айниқса, илм-фан кишилари ўртасида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ҳатто, илм кўчасига қирмаган айрим ижтимоий тармоқлардаги саҳифа эгалари ҳам олимнинг журналист саволларига берган жавобларини пешма-пеш эълон қилиб борди. Бунга нима сабаб бўлди?

Омма диққатини шоу бизнесдан, шов-шувдан маърифий мажлисга бурган омил нима эди? Менимча, бунга суҳбатда нафақат ютуқ ва имкониятлар, балки жиддий муаммолар ҳам очик-ойдин тилга олинган, яъни, мавзуга ҳолис ёндашилган сабаб.

Суҳбатга муносабатлар турлича бўлди: бир тоифа қўллаб-қувватлаган, бир тоифа норизо, яна бир тоифа сўз қолиб, сўзчини муҳокама қилган... Бу табиий. Мен эса суҳбат асосида бир қатор мулоҳазаларни ўзим учун белгилаб олдим. Мазкур суҳбат бизга бир вақтнинг ўзида икки ҳақиқатни кўриш имконини беради. Биринчиси, Ўзбекистонда илм-фан учун имкониятлар сезиларли даражада кенгаймоқда. Иккинчиси, имкониятлар кўпайган сари тизим олдидagi масъулият ҳам ортайти.

Бугун илм-фанга муносабат кечагидан анча фарқ қилади. Янги институтлар, лабораториялар, грантлар, халқаро ҳамкорлик механизми, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш дастурлари пайдо бўлди. Илмий даража олиш, халқаро илмий майдонга чиқиш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар кенгайди. Аммо имкониятнинг кўпайиши ҳали илмнинг ўзи ривожланиши, дегани эмас. Имконият – шароит. Натижани эса олимнинг салоҳияти, илмий мактабнинг қуввати, тадқиқотнинг сифати ва тизимдаги ҳалоллик белгилайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий даража олишга интилаётганлар сони сезиларли кўпайди. Бу, бир томондан, илм-фанга қизиқиш ортганидан далолат. Докторантура тизимининг кенгайиши, янги илмий кенгашларнинг ташкил этилиши, тадқиқотчилар учун яратилган имкониятлар – буларнинг барчаси ижобий жараён. Бироқ савол пайдо бўлади: илмий даража соҳибларининг сони ортиши билан натижалар ҳам шунга мутаносибми? Моҳият айнаш шунда.

Илмий даража оддий расмий мақом эмас. У инсоннинг муайян соҳада мустақил илмий изланиш олиб бориш, янги натижа яратиш ва илм ривожига ҳисса қўлиш қобилиятини тасдиқлаши керак. Агар даража диплом ёки мансаб учун олинган навабдаги ҳужжатга айланган, унинг илмий ҳужмати пасаяди. Бундай ҳолатнинг хавфи фақат бир тадқиқотчининг обрўси билан чекланмайди. Бир кишининг юзаки ёки кучирма тадқиқоти бутун илмий тизимнинг ишончлилигига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун бугун бизга диссертациядан кўра, кўпроқ сифатли тадқиқотлар керак.

Дарвоқе, илм қилиш учун имкониятлар кенгайган экан, илмий меҳнатнинг ўзига қўйиладиган талаблар ҳам юқори бўлиши лозим. Ҳар бир тадқиқотнинг ўз табиати бор. Айрим соҳада илмий натижага бир-икки йилда эришиш мумкин. Бошқа бир йўналишда эса бунинг учун ўн йиллаб меҳнат талаб этилади. Айниқса, фундаментал фанларда бу янада яққол кўринади. Шунинг учун докторантура фақат



Санжар ШОҚҲҲОРОВ,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори

“Қачон ҳимоя қилади?” деган савол билан баҳолаш тўғри эмас. “Нима яратди?”, “Қандай янги илмий натижа олди?”, “Унинг тадқиқоти ўз соҳасига қандай таъсир қилди?” деган саволлар биринчи ўринда туриши керак.

2027 йилдан илмий аттестация жараёнида айрим ортиқча бюрократик талабларнинг бекор қилиниши ижобий қадам сифатида баҳолашни мумкин. Олимнинг вақти қоғоз тўлдиришга эмас, тадқиқотга сарфланиши керак. Ҳисоботлар, маълумотномалар ва формалар талаблар илмий фаолиятнинг мазмунини босиб кетмаслиги лозим. Илмий даражани ҳимоя қилиш жараёни ҳам очик, шаффоф ва ҳолис бўлиши муҳим. Бироқ сифат талабини ошириш жараёнида яна бир нозик жиҳатни ҳисобга олиш шарт. Сифат учун кураш ҳалол меҳнат қилаётган, ўз соҳасида изланаётган олимларга нисбатан ортиқча шубҳа муҳитини шакллантириб қўймаслиги керак.

Бу жараёнда илмий жамоатчилиكنинг ўрни бекиёс. Тизимга қанча назорат механизми киритилмасин, охир-оқибат, фаннинг ички маданиятини олимларнинг ўзи белгилайди. Бир соҳа олимлари бир-бирининг ишига талабчан ва ҳолис баҳо берса, илмий муҳит соғломлашади. Шу жиҳатдан, айрим илмий кенгашларда ОАК талабларидан ташқари патент, нуфузли халқаро базаларда индексланадиган журналларда мақола каби қўшимча мезонларнинг қўлланаётгани эътиборга лойиқ. Буни сунъий тўсик сифатида эмас, агар мезонлар аниқ, очик ва барчага бирдек қўлланса, илмий сифатни таъминлаш воситаси деб номлаш мумкин. Демак, фаннинг софлигини ҳимоя қилишнинг энг кучли воситаси олимнинг ички масъулияти ва илмий жамоанинг профессионал маданияти билан бевосита боғлиқдир.

Илм-фанда авлодлар алмашинуви табиий жараён. Аммо бу алмашинув узилишга айланмасин. Катта олим ўз тажрибасини ёшларга бериши, ёш олим эса устознинг тажрибасини янги билим ва замонавий ёндашувлар билан бойитиши керак. Бунда ўзаро ҳурмат ва профессионал рақобат уйғунлашади. Илмий мактаб айнаш шундай муҳитда шаклланади.

Бугун бутун дунё интеллектуал капитал учун курашмоқда. АҚШ, Хитой ва Европанинг етакчи давлатлари иқтидорли олимларни жалб қилиш учун миллиардлаб маблағ сарфламоқда. Чунки қайси мамлакатда кучли олимлар кўп бўлса, ўша давлатнинг иқтисодий, технологик ва стратегик қудрати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўзбекистон ҳам Президентимиз раҳбарлигида айнан шу йўлдан дадил бормоқда.

Шу нуктаи назардан қараганда, академик Шавкат Аюповнинг чиқиши танқид эмас, балки илмнинг обрўсини сақлаб қолиш, илмий даражалар қадрини ошириш, плагиатга қарши мурасасиз бўлиш, илмий мактабларни асраш ва ҳақиқий олимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган долзарб чақириқдир. Зеро, илмнинг софлигини сақлаб қолган миллат ўз келажагини ҳам сақлаб қолади.

ОЙДИНЛАР

ШАХСНАВИС АДИБ

Столим устида бир ижодкор қаламига мансуб бир нечта китоб. Уларни устма-уст қўйиб, ўлчасам, умумий бўйи бир қаричдан ошди. Кейин номларини қайд этиш учун ёйган эдим, ноутбугим атрофини буткул ўраб олди:

“Тошбақалар пойгаси”, “Сенга кўнгил берсам...”, “Конверт-одам”, “Одил Ёқубов хазинасидан”, “Уйғониш замонинг муборак бўлсин”, “Виждон кўнғироғи”, “Саҳифага сизмаган сатрлар”, “Юрак бўронлари”, “Ботир Зокиров – ўзбек булбули” (рус тилида), “Дўпписи йўқ дунё”, “Олтин овозлар”...

Кейинги учтаси шу йил босилиб чиққан. Булар ҳали у ёзган китобларнинг ҳаммаси эмас, каминида борларигина, холос. Кейинги учтаси шу йил босилиб чиққан муаллифнинг бугунги фаоллигидан далолат беради.

Булардан бири кўзга яқин эди. Авваллари нашриётлар китоб қўлэмасини бир мутахассисга тақризга берар, нашрда тақризчининг номи ҳам қайд этилар эди. Адибнинг илк китоби бўлмиш ҳикоялардан иборат “Тошбақалар пойгаси”га тақриз ёзиб берган эканман. Архивимдан бундан 42 йил бурун битилган ўша матнни топиб олдим. Албатта, унда айта-мунча тақлифлар ҳам учтилган экан. Шу тақлифларнинг аксарияти инobatга олиниб, ҳикоялар сараланган, айримлари тўпламга киритилмаган, янгилари қўшилган, баъзилари жиддий таҳрир ҳам қилинганга гувоҳ бўлдим. Тақриздаги икки муҳим парчани бугун айнан келтириш ўрини бўлса керак. Биринчиси: “Муаллифнинг муваффақияти ҳаётининг ачиқ ҳақиқатларини англай бошлаган бола образини чиқишга интилишида кўзга ташланади. Ёш ёзувчини болаларнинг дунё фақат яхшиликлардангина иборат эмаслигини фаҳмлаб қолган лаҳзаларини қаламга олиш кўпроқ қизиқтиради. Бу – ижобий хусусият”. Иккинчиси: “Қаламқаш ҳали савияси қанчалар паст бўлсин, лекин ҳақиқатдан бундан юксакроқ асарлар ёзади, деб ишонаман”.

Адиб, чиндан, юксак савиядаги асарлар яратди. Унинг мавзу қўлами ва жанрлар

майдони ҳам кенгайгандан-кенгайди. Ҳикоядан ташқари, қисса, фелъетон қисса, маърифий қисса, эссе, хотира-эссе, очерк, ҳангома, ибрати ва ҳазил иборалар, маърифий роман, қанчадан-қанча таҳлилий-публицистик мақолалар ёзди. Ҳар бир қаламқаш ижодининг етакчи хусусияти бўлади. Шу маънода, бу адибни замона қаҳрамонлари ҳақида битиш кўпроқ қизиқтиради.

Шундан келиб чиқиб, уни “шахсनावис адиб” деб таърифлаганим келади. Буни асарларининг сарлавҳаларида “инсон” ва “одам” сўзлари кўп учрашидан ҳам билса бўлади. Унинг очерклар ва эсселардан иборат “Уйғониш замонинг муборак бўлсин” тўпламидан жой олган уч туркумнинг икkitаси сарлавҳасида “инсон” сўзи учрайди: “Меҳрим тушган инсонлар”, “Инсонийлик юки”.

Китобдаги икки асар сар-



лавҳасида эса “одам” калимати истифода этилган: “Одамларни бой қилсак – давлат ҳам бой бўлади”, “Одамлар завқи билан яшаш завқи”. Унинг бир фелъетон-қиссаси “Конверт-одам”, монолог тарзида битилган бир асари “Шошилаётган одам” деб аталади.

Адиб асарлари орасида тўрттаси алоҳида ажралиб туради. “Эсар Жайхун шамоқлари” эссеси ажойиб хонанда Отажон Худойшукуров ҳақида. Ботир Зокиров ҳақида “Юрак бўронлари” маърифий романини ёзган. Бу



асарларда хонандаларнинг ижод “устахона”сига дадил кириб борилган. Ҳаётининг мураккаб жиҳатлари ҳам теран очиб берилган. Улуғ ёзувчимиз ҳаёти ва ижодини

гилдан кечадики, энди у Ўзбекистон Қахрамони бўлган учинчи устози ҳақида ҳам бир ҳужжатли-маърифий асар яратса, кўп яхши иш бўлар эди.

таҳлил қилишга бағишланган яна бир хотира-эссеси “Одил Ёқубов хазинасидан” деб номланади. Неъмат Аминов хусусида “Виждон кўнғироғи” маърифий қиссасини яратди. Эҳтимол, бу адиб ҳақида ундан бошқа ҳеч ким бу қадар муфассал китоб ёза олмас эди. Чунки унинг ҳақиқий шоғирди, қадрдон укаси эди. Шунинг учун қаҳрамонини жуда яқиндан биларди.

Биз ижоди ҳақида сўз юритаётган адибимиз уч кишини ўзига чин устоз деб билади: Неъмат Аминов, Одил Ёқубов, Иброҳим Фафуров. Кўн-

тилга олганимиз икки хонанда ва икки адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида диссертациялар ёзилган, ёзилаётгандир ҳам. Бироқ улар тор мутахассислар ўқишига мўлжалланган бўлади. Адиб қаламидан чиққан бу тўрт асар эса омма учун битилган. Кейин ёзувчи дегани шахснинг ички дунёсига қира олади ҳам. Олимларимизнинг кўнглига келмасин-у, бу тўрт асар адабиёт ва санъат учун ҳам, илм учун ҳам, эҳтимол, улар ҳақидаги диссертациялардан кўра фойдалироқдир.

Адибимиз ҳозирги Ўзбе-

кистон давлат санъат ва маданият институтида таълим олган. Бу унинг узок йиллар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси “Санъат” бўлими мудир бўлиб ишлашида қўл келди. Бу ерда у чинакам санъат танқидчисига айланди. Хусусан, мусиқа соҳасининг буюк намоёндалари ижодини таҳлил қилишга бағишланган кўплаб мақола ёки эсселар битди. “Олтин овозлар” тўпламидан Ю.Ражабий, А.Абдурасулов, К.Отаниёзов, М.Узоқов, Ў.Сайдхонов, Б.Зокиров, Ф.Умаров, Ш.Жўраев, О.Худойшукуров, О.Отажонов, М.Йўлчиева, М.Дадабоева, Р.Қўрбонов ҳақидаги материаллар ўрин олган.

У адабиётга болалар ёзувчиси сифатида кириб келган эди. Кейин жиддий ҳикоялар ҳам битди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ҳам ишлади, “Муштум”, “Гулхан” журналларига бош муҳаррирлик қилди, “Ўзбекистон” нашриёти бўлди. Долзарб мавзуларни кўтариб чиқиб, таҳлил қилган мақолалари билан таниқли публицистларимиздан бирига айланди. Публицистикаси билан боғлиқ бир нозик жиҳатни айтиб ўтмаса, бўлмас. Ўзбекистонимизнинг Афсона, Шоҳимардон, Водил, Олмос ва бошқа айрим қишлоқлари эл орасида машҳур. Аммо бу биродаримиз ўзи тўғилиб ўсган қишлоқ аҳлининг қувонч ва ташвишлари, ижтимоий муаммолари, ажойиб, меҳнатқаш, фидойи кишилари ҳақида матбуотда туркум мақолалар ёзавериш, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Жалойирни элга танитди.

Ҳўш, шунча асарларини тилга олганимиздан сўнг бу таниқли адиб ва публицист, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати” ордени, шунингдек, Ёшлар иттифоқи, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада мукофотлари соҳиби, навқирон етмиш билан юзлашган Ашурвали Жўраев эканини фаҳмлагандирсиз, албатта. Китобхонлар ундан яна ва яна гўзал асарлар кутиб қолади.

Султонмурод ОЛИМ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

РАМЗИЙ “МУСТАҚИЛЛИК”
Англиянинг Оксфорд шаҳри яқинидаги 350 кишилик Пиддингтон қишлоғи аҳолиси рамзий “мустақиллик референдуми”да Буюк Британиядан ажралиб чиқишни ёқлади.



Бунга ҳудуддаги собиқ ҳарбий объектга 1200 дан ортиқ мигрантни жойлаштириш режаси сабаб бўлган. Жами 312 сайловчидан 285 нафари мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлаган.

РОБОТЛАР ЗАВОДИ



Хитойнинг “UBTECH Robotics” компанияси Лючжоу шаҳрида дунё-

даги илк роботлаштирилган завод мажмуасини ишга туширди.

“Оху.аз” нашрининг хабар беришича, мазкур корхона йилига 10 мингтагача гуманоид ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, конвейердан ҳар ўн дақиқада битта янги қурилма чиқади.

КАНАДАГА ТАКЛИФ

Европа Комиссияси раиси Урсула фон дер Ляйен Канада Европа Иттифоқининг илк ассоциацияланган аъзоси бўлишга таклиф этилганини эълон қилди.



“Euronews” хабарига кўра, бу ҳақда Страсбургдаги йиғилишда маълум қилинган. Тадбирда Европарламент депутатлари ҳамда АҚШ билан савдо уруши фондида китъага таширф буюрган бош вазир Марк Карни ҳам иштирок этди.

ЕВРОПАДА СОЛИҚЛАР СЕНИ

“Tax Policy Associates” ташкилоти маълумотларига кўра, Европа



мамлакатлари орасида алоҳида солиқ турлари сони бўйича Франция яқол етакчилик қилмоқда – бу давлатда 348 та солиқ мавжуд.

Рўйхатнинг иккинчи погонасини 132 турдаги тўлов билан Дания эгаллаган бўлса, китъа бўйича ўртача кўрсаткич қарийб 90 тани ташкил этади.

ОРБИТАДА ҚУРОЛ

Америка ҳарбийлари космик фазони назорат қилиш мақсадида Ер орбитасига махсус қурулларни олиб чиқди.



“Air & Space Forces” нашрининг хабар беришича, бу ҳақда АҚШ Ҳарбий-ҳаво қучлари вазири Трой Мейнк маълум қилган.

“ОДИССЕЯ”НИНГ ҚАДИМИЙ ҚҮЛЁЗМАСИ

Нидерландиянинг Утрехт университети кутубхонасида Гомернинг “Одиссея” достонидан сатрлар битилган 1700 йиллик ноёб пергамент парчаси топилди.



Тадқиқотчи Марк де Крей икки йил аввал германиялик олимга тегишли бўлган қўлёмалар тўпламини ўрнаётган вақтда мазкур қадимий ашёга дуч келган.

Йиртилган бўлакнинг ўлчами бор-йўғи 6,6 га 7,7 сантиметр бўлиб, тахминан ўйин қартаси катталигига тенг. Ушбу тарихий парчада машҳур қадимги юнон достонининг 12-китобидан ўрин олган бир нечта шеърйи мисра сақланиб қолган.



ЖАДИДШУНОСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори имзоланганига икки йилдан ошди. Ўтган қисқа вақт ичида тарихий ҳужжатда белгиланган вазифалар юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жараён давом этмокда, хусусан, бу йил октябрь ойининг биринчи эттикунлиги мамлакатимизда учинчи бор Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонланади. Сана арафасида тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг бир жуфт китоби – “Миллат фидойилари” (2-китоб) ва “Буюк Чўлпон меросидан” асарлари нашр этилди.

БУЮК ЧЎЛПОН ИЗИДАН

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг шоир, ёзувчи, журналист сифатидаги ижоди, маърифатпарварлик ҳамда миллий озодлик ҳаракатига оид фаолияти тарихчилар, адабиётшунос ва жадидшунослар томонидан кенг қамровда ўрганилган. Улуғ устозлар бу борада мустаҳкам пойдевор яратиб берган бўлса, сўнгги йилларда замондош олимларимиз томонидан янгича нигоҳ ҳамда ёпиқ архивлар очилиши шарофати билан тўпланган фактлар асосида янги тадқиқотлар юзага келмокда, тарихий ҳақиқат тикланмокда.

“Яна бир буюк юртдошимиз Абдулхамид Чўлпонни олайлик. ХХ аср бошларидagi миллиятчи таъдирини, унинг бошига тушган фожиаларини, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда куйлаган эмас”. Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бир қарашда Чўлпон ҳақида ҳамма гап айтиб бўлинган, асарлари ўрганилган, халққа қайтарилгандай. Бироқ даҳолар мероси шу қадар серкирраки, ҳар гал ўрганганда, янги бир масала кўзга ташланади. Академик шоир Ойбек “Гули ва Навоий” дostonида афсона ва ҳақиқат орасини очик қилишни тош ичидан гавҳар излашга мензайди. Гарчи Чўлпон ҳаёти ва ижодига оид қимматли хазина юзага чиққан бўлса-да, мавзуга чуқурроқ кириб боришгани сари чоғроқ гавҳарлар ҳамон чангдан тозаришни кутаётганини кўраимиз.

Заҳматкаш олим Рустамбек Шамсутдиновнинг йиллар давомидаги изланишлари натижасида сайқалланган ана шундай гавҳарлардан бири – “Буюк Чўлпон меросидан” номли китоб бугун қўлимизда турибди. Асарда учта йўналиш параллел ёритиб берилган.

Биринчи йўналиш Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган хорижий манбалардан ҳикоя қилади.

Олим Москва сафаридан “Поэзия узников ГУЛАГА” китоби билан қайтади. Унда шоир ҳақида кичик мақола ва иккита шеърнинг русча таржимаси босилган эди. Жумладан, мазкур тўпلامда Чўлпонга шундай таъриф берилади:

“Ҳаётлик чоғидаёқ, у ҳақда буюк Навоийдан кейин ўзбек тили ва адабиёти шу қадар қудратли лирикани билмаган, деб айтишган. “Унинг шеърини нутқи ҳозирги замон ўзбек тилининг сарчашмасига йўл очиб берувчи калитдир. Ҳозирги замон ўзбек тили – бу, Чўлпон тилидир”, деб айтган ўша замон танқидчиларидан бири”.

Шундан кейин шоирнинг 1923 йили Андижонда ёзилган “Қиз қўшиги” (“Песня девушки”) ҳамда 1924 йили Ўшда битилган “Қўшнинг ҳадиги” (“Ужас птицы”) шеърлари Т.Бек тарихимасида келтирилади. Ҳар икки ижод махсули ҳам тутқунлик азоби ва чуқур таасуф руҳи билан сугорилгани сезилиб туради. “Қиз қўшиги”нинг ҳар билди якунидаги сатрларни ўқиганда, юрак зириллайди. “Бошимга” радиопи нақоратда шоирнинг бутун қайғуси теран изтироб рангида ифодаланади: “Қора кунлар туши менинг бошимга”, “Қонли кунлар туши менинг бошимга”, “Ўтли кунлар туши менинг бошимга” ва бошқалар.

Яқун шундай:
Қафасларни бузиб
Учсам осмонга!

Кишанларни узиб

Етсам жононга!..

Ёрсиз кунлар туши менинг бошимга.

Шоир айни шеър мазмунининг мантикий давоми сифатида бир йилдан сўнг “Қафасдаги қўш” асарини ёзади. Инидан айрилган, йўқ-йўқ, жудо этилган қўшчанинг қафасдаги



биринчи онлари, озодлик иштиёқидаги машаққатлари таъсирчан тасвирланади ўтли сатрларда. Аммо бундан фойда бўлармикан? Жавоб:

Фақат заиф вужудини қанча урсин деворларга,
Балки унинг юмшоқ тани тўлиб кетсин ол қонларга.

Чунки шоир таъбирича, “деворларнинг сезгиси йўқ, туйғуси йўқ, товуш бермас”.

Ҳар икки шеър ҳам мазмун-моҳияти билан Туркистон ва туркистонликлар ҳақида эканини бир ўқишда ҳис қиласиз. Зеро, Мухторият қонга ботирилган, советлар Чор Россиясидан авло эмаслиги аёнлашган, халқ бошига нон азоби, зиёлилар бошига жон азоби тушган бир паллада миллатпарвар шоирнинг шунчаки ҳижрондаги қиз ва қўшча ҳақида шеър ёзиб ўтириши асло тасаввурга сиғмайди. Бу борада Чўлпон ва Тагор ижоди, услуби ва масалада уйғунлик сезилади. Адибнинг замондоши Расулхон Раҳимийнинг китобда берилган фикрлари ҳам буни асослайди:

“Чўлпон Ўзбекистон шоири ва ёзувчилари орасида чиндан ҳам юлдуздир. Агар Робиндранат Тагор Ҳиндистонда буюк асарлар яратган бўлса, Чўлпон бизда ана шундай қимматли асарлар яратди”.

Ушбу бобда, шунингдек, Рустамбек Шамсутдиновнинг Озарбайжон сафари натижалари ҳақида сўз боради.

Иккинчи йўналиш тергов ҳужжатлари қўчирмаларини қамраб олган. Рустамбек Шамсутдинов асарларининг қийматини оширувчи фазилатлардан бири – уларнинг аниқ факт ва далилларга асосланишидир. Аслида, домланинг мақолалари қисқа ва лўндалиги билан ҳам ажралиб туради. Ана шу қисқа матнда тарихий фактлар шу қадар зич бўладики, асосий мақсад қатагон қурбонлари ва жадидлар фаолиятини халққа, хусусан, ёшларга халқчил шаклда етказишдир.

Мазкур китобда ҳам муаллиф ўз услубига содиқ қолган. Тарих саҳифаларидан қўчирмалар тўла-тўқис, пардозланмасдан олинган. Илм омонатиға хиёнат қилмаган.

“Эшитганинга эмас, кўганинга ишон”, деган гап бор халқимизда. Бугун эса ҳатто кўрганларимиз ҳам ҳар доим ҳақиқат бўлмаслиги аёнлашяпти. Зеро, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект “каромат”и билан ҳақ ва рўё бир-бирига деярли қоришиб кетган замонда яшяпмиз. Лекин бундан бир аср аввал советларнинг махсус идораларида шундай кимсалар ишлаганики, уларнинг қилмишлари олдида мингта сунъий идрок, таъбир жоиз бўлса, чой дамлаб туради.

Қўлёмалар ёнмайди, деймиз. Эҳтимол... Лекин қўлёмалар ўчирилиши, йиртилиши, бекитилиши, сохталаштирилиши мумкин экан. Битта ёлгон битилган қоғознинг сақланиб қолгани мингта ҳақиқат ёзилган саҳифанинг қулга айланганидан ҳам зарарлидир. Чунки йўқликда – мавҳумлик, ёлғонда чалқашлик бор. Баъзан кимёгарлар учун бир том-

чининг залвори денгизлардан ҳам катта бўлади: шу томчи ҳатто дунё тақдирини хал қилиб қўйиши бор гап. Тарих ёзилаётган дамда ҳам шундай: ҳужжатнинг бир четига томган сиёҳ бутун бир тақдир ва давр манзарасини ёпиб қўйиши мумкин. Шу маънода, ўтмишнинг мураккаб даврларини ўрганишда, ҳатто, кўрган,

тасдиқланган ҳужжатларга ҳам тўла ишонч йўқлиги маълум бўлади.

Хусусан, қатагон йилларидаги тергов ҳужжатлари сиёҳ эмас, худди қон, тер ва кўзёш билан сугорилгандек. Чўлпоннинг сўроқ тафсилотлари, юзлаштириш баённомалари билан танишган инсон беихтиёр сесканиб кетади. Биз билган Чўлпон Фитрат ҳақида, Файзулла Ҳўжаев ҳақида, бошқа сафдошлари ҳақида уларнинг зарарига ишлайдиган гапларни айтиши мумкинми? Биз кўрмадик, лекин китоб муаллифи кўрганики, бу ҳужжатлар энг махфий архивларда, энг қатъий талаблар асосида сақланган.

Мана, Чўлпоннинг “иши”, мана, Чўлпоннинг кўрсатмалари, бироқ ифода Чўлпонники эмасдай. 17 ёшда “Адабиёт надири?” деган мақола ёзган одам бунақа гализ ёзиши, парижон фикрлаши мумкин эмас, ахир. Кейин ҳужжатларга чекилган саналарга назар ташлаймиз: 1937 йил 23 июль, 10 август; 1938 йил 29 сентябрь, 2 октябрь...

Агар Чўлпон ва сафдошлари 1938 йил 5 октябрдаги ҳукм асосида 4 октябрда қатл этилганини ҳисобга олсак, сўнгги вақтлардаги гаплар ҳеч қандай роль уйнамаганини ҳис қиламиз. Буни шоирнинг ўзи ҳам яхши англаган бўлса керак. Шу боисдан ҳам, охириги бир йилликдаги баённомаларда Чўлпон тақдирга тан

Оқибатда, Чўлпон фаолиятини 1923 йилдан Андижонда, советларнинг бу шаҳарда юргизадиган миллий озодлик ҳаракатиға қарши курашиш кампаниясида давом эттиришга мажбур бўлади.

“Хукмронликнинг асоси қилич ва қалам устиға қурилади, деган қоидаға кўра, шўро-

ТОШ ИЧРА ГАВҲАР

лар ҳам тузган режаларининг муваффақияти учун кучли тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида Андижонда газета ташкил этишға қарор қиладилар. Туркистон ҳукумати қарори билан Андижон шаҳрида “Дархон” номли газета (Ўзбек тилида, араб имлосида) нашр этиладиган бўлди. Бу газетаға аввал Абдулҳай Тоҳиев, сўнгра Андижон ревкоми раиси Исҳоқжон Ғозиев муҳаррирлик қилди. Марказқўм йўлланмаси билан Тошкентдан Андижонға келган Чўлпон бу газетаға амалда муҳаррирлик қилган. Чунки Исҳоқжон Ғозиев ревком раиси бўлганлиги учун газета ишини тўлалигиға Чўлпон зиммасиға юклаган эди”, деб ёзади муаллиф.

Аёнки, Чўлпон бу газетада совет ҳукуматининг сиёсатини ёритишда иштирок этади, бироқ чорасизликдан ҳам чора излашда бардавом бўлади. Гарчи тўрт саҳифалик нашрининг ярмидан кўпини “босмачилик”ка қарши курашиш тўғрисидаги материаллар эгалланган эса-да, саҳифаларда жаҳон хабарлари (кўпинча мустамлака зулмиға қарши исёнлар, гегемон давлатлардаги инқирозлар доирасида), таълим, тиббиёт, илм-фан, адабиёт ва санъат, ижтимоий ва иқтисодий масалаларға оид мақолалар ҳам бериб борилад эди. Бу ўша даврда ўта қалтис қадам

ТАДҚИҚОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўтган йили “Jadid” газетасининг энг фаол муаллифларидан бўлган фидойи устозимиз Рустамбек Шамсутдиновнинг “Миллат фидойилари” тўплами “Jadid” кутубхонаси” руҳида чоп этилган ва китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган эди. Мана, бир йил оралиғида мазкур китобнинг иккинчи қисми Андижон давлат университети Қатагон қурбонлари хотира музейи, “Ўзбекистон тарихи” кафедраси ҳамда “Мерос” илмий-амалий халқаро экспедицияси хайрия жамғармаси томонидан чоп этилди.

“Тирик” тарих заҳматкаши” номли сўзбошида таъкидланганидек, “Китобда нафақат якка шахслар (Саъдуллаҳўжа Турсунҳўжаев, Содиқ Абдусатторов, Маннон Рамзий каби), балки бутун оилалар, сулопалар катта террор комиға тортилганини ўқиб даҳшатға тушади киши. Бурҳоновлар, Холботировлар, Ҳакимовлар сулопаси ана шундай парокандаликка юз тутган оилалар эди”.

Тўпلامда саксондан ортиқ қатагон қурбони ҳақида сўз юритилади. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан номандалари, ижодкор зиёлилар, уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзоларини учратиш мумкин.

Асарда шундай парчалар ёзилганки, уларни ўқиган киши беихтиёр ўйға толади, ўтган даврнинг чиркинликлари, зулматдан зиё излаган боболар матонати кўз олдимиздан ўтади, бугунги дориломон кунлар саодатиға шукроналик ҳисси туғилади.

Қуйидаги иқтибослар шунчаки статистика эмас, ҳар бирининг ортида бир инсон тақдирининг оила аъзолари ҳаёти турибди. Бу рақамларға хотиржам кўз ташлаб бўлармикан...

“Катта террор” вақтида, 1937 йил 30 июндан 1938 йил ноябриға қадар 1,5 миллион киши қамоққа олинган (СССР миқёсида). Шундан 700 мингги отиб юборилган. Қатагон жамиятининг барча тоифаларини ўз домиға тортган”.

“1938–1946 йилларда Қарағандадаги “АЛЖИР” (Акмолинский лагерь жён изменников родины) лагерида “Ватан хоинларининг оила аъзолари”дан 6500 аёл жазони ўтагани маълум”.

“1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифоқ бўйича 25 342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22 427 нафари Маориф халқ комиссарлиги тасарруфидаги болалар уйларига ва маҳаллий боғчаларға тарқатиб юборилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юқори бўлган болалар “ижтимоий хавфли” ҳисобланиб, қамоққа олинган ва ҳукм қилинган”.

“1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январигача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10 700 киши қамоққа олинган, улардан 3 613 киши 1-тоифа бўйича отувға, 7 087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган”.

ДАВРИМИЗ ЖАДИДИ

Рустамбек Шамсутдинов бу йил табарруқ 87 ёшни қаршилади. Бу, одатда, нурунийлик фасли ҳисобланади. Лекин домланинг юрағиди ғайрат, ақлидаги тиниқлик, илм ва меҳнатға бўлган иштиёқ қирқ ёшли қирчиллама йигитларниқидан асло кам эмас. У киши ўнлаб мутахассисларни ҳам улкан ва сирли илм уммони сари чорлаб келмокда.

Дарҳақиқат, ҳар бир янги китоби ва ёзилажак асарлари Рустамбек Шамсутдиновни тарих илмининг Рустами дostonига айлантиради гўё. “Миллат фидойилари”нинг 1-китобиға ёзилган сўзбошида таъкидланганидек: “Совет ҳокимияти томонидан амалға оширилган қатагон сиёсатини республикаимизда биринчилардан бўлиб тадқиқ этган Рустамбек Шамсутдиновнинг Ватанимиз тарихиға оид, махфий архивларда ёпиқ сақлаб келинган нодир ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида сабр ва матонат билан ишлаш, нафақат юртимиз, балки қатор хорижий мамлакатларнинг илмий фонларида мунтазам равишда изланишлар олиб бориши, тўпланган ноёб материалларни Ўзбекистонға олиб келиб, кенг жамоатчилик эътибориға ҳавола этиши, илмий истеъмолга киритиши ҳар жиҳатдан ибратлидир”.

Салафлари байроқ қилиб кўтарган “Тилда, фикрда, ишда бирлики” деган шiorға амал қилиб келаётган устоз муаррих бу эътирофларға ҳақлидир. Зеро, архивларда юз йиллик чангни ютиб, сарғайган саҳифаларға кўз нурини тўкиб, соғлиги ва вақтини, ўрни келганда маблағини ҳам аямаган зиёлининг қиёфасида том маънодаги замонамиз қаҳрамони, давримиз жадиди сиймосини кўраимиз.

Отабек БАКИРОВ



“Донишманд ва олимларнинг хулқларидан ўрнат олиш яхши хулқни тирилтиради, ёмонни йўқ қилади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ



ХАРИР ПАРДА

Болалик хотиралари кўхна суратларга ўхшайди. Йиллар ўтгани сайин уларнинг ранги ўчмайди, аксинча, замирида яширинган теран маънолар буй кўрсатади. Бугун элик йил аввалги сўлим ва осуда ўзбек ҳовлиларини эсласам, энг аввало, кўз олдимда дарвозахонадаги оппоқ, ҳарир парда гавдаланади. Болалик нигоҳи билан қараганда, бу шунчаки оддий бир мато эди. Бироқ бугун ўша хотираларни руҳият тарозисига солиб, замонамиз воқелигига боқсам, у шарқона турмуш тарзининг нафис бир чегараси, оила кўргонининг маънавий қалқони бўлганини англайман.

Инсон руҳияти ҳамиша ўз шахсий ҳудудини ҳимоя қилишга эҳтиёж сезади. Тарихда бу маҳрамлик масаласи ниҳоятда нозик ва гўзал тарзда ҳал этилган. Унда ҳам тақик, ҳам самимий очкичлик мужассам эди. Парданинг шаффоқлиги – хонадоннинг соф ниёти, меҳмонга очкичлигидан далолат берарди. Ичкарининг элас-элас кўриниши эса “тўхта, бу ёғи оиланинг муқаддас ҳудуди” деган ички бир маданиятни англатарди. Бу ҳақиқат миллий руҳиятимиздаги ҳаё ва андиша туйғуси билан чамбарчас боғлиқ эди. Бугун эса шахсий ҳаёт дахлсизлигининг йўқлиги ортидан келган катта ахлоқий инқирозга гувоҳ бўляпмиз. Кеча дарвозахоналарга

оқ пардалар тутган момоларнинг набиралари бугун ошхонасидан тортиб ётоғига, бахтидан тортиб фожиасига “жонли эфир” саҳнасига олиб чиқмоқда. Бу ички маънавий бўшлиқни ташқи дунёнинг сохта ва алдамчи олқиши – лайклар билан тўлдиришга уринишдан бошқа нима? Инсон уйда оёйиш-талиқни топа олмаса, бегоналарнинг изоҳларидан қидира бошлайди. Аммо экран ортидаги минглаб “дўстлар” оилавий муҳит ўрнини боса олмайди, аксинча, ички бўшлиқни янада чуқурлаштиради.

Инсоннинг сири, жозибаси қолмаса, у қадриозланади. Оила чегараси бузиб ўтилган жойда андиша ҳам, ҳаё ҳам завола юз тутайди. Ахир, бу ахлоқий чегаралар осмондан тушмаган эди. Уларнинг асосида соф қадриятларни миллат қонига сингдирган, ҳаёт мактабини ўтаган доғишман боболаримиз ва дуоғуй момоларимиз бўлган. Момоларимиз келинларга: “Уйнинг гапи остона ҳатлаб ўтмасин”, дея ўқитишарди. Оилада бирор муаммо туғилса, катталар вазминлик билан вазиятни юмшатиб, уни ичкарида ҳал қилишган. Улар жажҳ устида айтилган сўз ҳам худди ҳарир парда сингари донолик билан яширилиши кераклигини яхши билган. Оилада ҳал бўлмаган иш маҳаллага, элнинг дунё кўрган оқилларига олиб чиқилган. Лекин дув-дув гап қилинмаган.

Бугунги кунда эса оиланинг яширин ва

муқаддас сирлари медиа маконда энг харидоргир товарга айланди. Оммавий ахборот воситалари ва интернетдаги турли ток-шоуларни кузатиш: одамлар бир-бирининг сирини очишдан, оилавий муаммоларни бутун эл кўз ўнгига муҳокама қилишдан уялмай кўйдилар. Момоларимиз ўқитган андиша бугун рейтинг ва пул илинжида топталмоқда. Муаммолар катта саҳналарда, миллионлаб одамларнинг гийбати остида муҳокама қилинмоқда. Ечимдан эса дарак йўқ.

Парданинг йўқлиги жамиятда руҳий яланғочликни бошлаб берди. Биз ички дунёимизни ташқарига шу қадар сочипмизки, натижада оила деган тушунчанинг сири қолмаяпти. Бугун арзимаган сабаблар билан бузилаётган минглаб оилалар, судма-суд юрган ёшлар, Интернетда бир-бирини ҳақорат қилаётган эр ва хотинлар, ўзаро оқибатсизлик – мана шу фожианинг аччиқ меваларидир. Чунки уларнинг ҳаётида нафс ва ғазабни жиловлайдиган ўша “ҳарир чегара” энди йўқ. Биз айнан мана шу нафис ҳимоя қобилини йўқотганимиз учун ҳам бугун фалокатли ахлоқий тўфонлар қаршида ожиз қоляпмиз.

Муаммо технологияда ёки Интернетдан фойдаланишда эмас, балки меъёр ва маданиятнинг йўқлигида. Биз фарзандларимизга нафақат кўчада ўзини тутишни, балки рақамли дунёда ҳам “рақамли андиша” ва чегараларга амал қилишни ўргатишимиз шарт. Рақамли пардаларни ўзимиз тортмасак, келажак авлод оила муқаддаслигини буткул унутиб юборади. Бугун ўша ҳарир пардалар ўрнини ҳашаматли, баланд бетон деворлар, темир дарвозалар ва қўлфлар эгаллади. Дунё моддий томондан мустаҳкамланди, лекин руҳан ва ахлоқан назокатини, хавфсизлигини йўқотди. Биз уйларимизни темир эшиклар билан беркитдик, аммо шахсий ҳаётимиз эшикларини бутун дунёга ланг очиб қўйдик.

Биз баланд деворларни эмас, қалбимиздаги ўша нафис пардаларни – ҳаё ва чегара туйғусини, катталарнинг доно ўғитларини қайта тиклашимиз шарт. Акс ҳолда, бу фожа бизни миллийлигимиздан буткул айиради.

Ёрқин ИНОҒОМОВ,
журналист

ИСТАК



Тенгдошларим машҳур кўшиқчилар, аудиторияси катта блогеру вайнерлар, таниқли спортчиларни кўришни истайди. Уларнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини астойдил кузатади. Менинг орзум эса бошқача. Айтсам, тўғри тушунасиз, деб умид қиламан. Қанийди, жадид боболарни ўз кўзим билан кўрсам, ҳеч бўлмаса, бир марта улар билан суҳбатлашсам...

Кўрмаган бўлсам ҳам, тасаввуримда улар менга жуда яқин. Менинг онгимда улар расмлардаги оқ-қора ўтмиш кишиси ёки сунъий интеллект жонлан-тиргани каби басавлат ва жиддий шахслар эмас, аввало, устозларим каби юзлари нурли, меҳрибон ва фақат яхшилик қилишни истайдиган инсонлар сифатида гавдаланади.

Жадидлар ҳақида ўқиганимда, айримларининг номига ўзгача меҳр билан қарайман. Улардан бири – Абдурауф Фитрат. Бухорода туғилганим учун Фитрат бобомизни ўзимга яқин оламан. Ора-мизда бир асрдан ортиқ вақт бор. Макон бир бўлгани билан бугунги Бухоро билан бурунги Бухоро ўртасида, албатта, катта фарқ бор. Фитрат бобомиз илм ва маърифатни ҳақ тараққиётининг муҳим йўли деб билган. Унинг “Мунозара” каби асарларида таълим, мактаб ва жамиятнинг келажаги ҳақида муҳим фикрлар илгари сурилган. Шуларни ўқиб, ўйлаб қоламан: одам ҳаётдан норози бўлиб ҳеч нарсага эришмайди, уни ўзгартириш учун ҳаракат ҳам қилиш керак. Агар ўша даврда яшаганимда, Фит-

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

СИЗДА ТАРТИБ БОРМИ?

Кеча Телеграмдаги “Микрофон кўтарган аёл” каналидан “9 соат”нинг сири нимада?” деган пост келиб қолди. Ўзбекистон Раҳбарининг Жанубий Кореяга расмий ташрифининг ноодатий ракурсдаги тафсилотларига қизиқиб қолдим. Узун матнларни ўқишга тоқатим етмаса ҳам, бу сафар охиригача бордим.

Мана бу парчани ўқиб, ўйлаб қолдим: “Президентнинг иш дастурида тушга қадар 1 та учрашув, 1 та қабул, яна 200 кишилик Ўзбекистон-Корея бизнес форумида нутқ, ҳужжатларни имзолаш маросими, Ўзбекистон вилоятларида 5 та қўшма янги лойиҳага старт маросими, Кореянинг 10 та чебол компанияси (кўп тармоқли улкан оилавий бизнес) билан тет-а-тетлар. Бу вақтда эса яна бир залга одамлар тўпланди, Кореяда яшаётган, ўқитган 50 га яқин ватандошлар маҳтал турибди. Бу ишларнинг бошида туриш тугул, шунчаки ўқиб кўрсангиз ҳам, “эхҳе” деворасиз”.

Давлат раҳбарининг кун тартиби шу қадар зич ва пухта тузилган эканки, бир кунда ўнга яқин тадбирда иштирок этганини кузатдим. Энг муҳими, ҳар бир учрашув икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Уларга тайёргарлик кўриш, кўнгилдагидек ўтказиш, музокара олиб бориш одамдан ҳазилкам куч-қувват, ақл-фаросат ва чидам талаб қилмайди.

Кейин менинг куним қандай ўтапти, деган савол ҳаёлимни банд қилди. Уч маҳал овқатланиш, ўқишга бориш, ишга бориш, телефон титкилаш – шунинг ўзи кун тартиби бўлоладими?

Инсон феъли ҳам, мияси ҳам қатъий тартибни хуш-



ламас экан, иложи борица енгиллик, бекорчилик истагида ўзига ўзи ҳар хил сабаблар яратиб олар экан. “Изолаган имкон топар, изламаган баҳона”, “Дангасага иш айтсанг, сенга ақл ўргатар”, деган гаплар бежиз айтилмаган. Лекин иродаси кучли инсонлар югурик вақтдан унумли фойдаланиш сирини топган. Кўпинча буюк арбоблар, олимлар, саркардалар ё ишбилармонларни кузатиб, уларнинг ишларини кўриб, шуларнинг ҳам вақти 24 соатмикин, деб ўйлаб қоламан.

Бунинг битта сири бор экан – кун тартибини оқилона тузиш ва унга оғишмай амал қилиш. Йўқса, Абу Райҳон

Беруний 75 йиллик умрида 152 та илмий асар, Жюль Верн 77 ёшигача 66 та роман ёза олармики? Ёки агар ҳаёт тарзини қатъий йўлга қўйиб олмаса, Мовароуннахрни қирқ йил идора қилган Мирзо Улуғбек қай вақт 1018 юлдузни кузатиб, жадвал тузган; ёшлик йилларидан бош вабир ва ҳоким бўлиб, эл-юрт хизматиде бўлган Алишер Навоий қачон 52 минг мисрадан иборат “Хамса” ва 2600 ғазалдан тузилган “Чор девон”га тартиб берган?

Узоққа бормайлик, Самарқандда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси давом этапти. Ўзбекистоннинг ифтихорига айланган Жаҳоҳир Синдоров ёки Нодирбек Абдусатторовнинг интервьюлари, яқинлари билан суҳбатларини интернетда кўриб, шундай хулосага келганман: улар ҳаётини спорт, таълим, оила, дам олиш каби энг муҳим масалаларга бўлиб олган. Бошқа ортиқча, фойдасиз ишларни йлғиштириб қўйган.

Мен ҳам яқингача ўқишим кечки бўлимда, кундузи ишлайман, шунинг ўзи етади, деб юрардим. Аммо уч йилда ҳам соҳам бўйича арзирли натижага эришолмадим, ишим ҳам тез-тез ўзгариб турди. Кейин тартибсиз ҳаракат қилаётганимни, беқарорлик ва дангасаликка чалинганимни тушуниб қолдим. Охири, ўзимга кун тартиби тузиб олдим: энди ўқишга ҳам, ишга ҳам, амалиёт уташга ҳам, тил ўрганишга ҳам улғуряпман.

Бугун кўпни шамолларга совуриб юборадиган эрмаклар қайта кетди. Умр эса кутиб турмайди. Сиз кун тартибингизни қандай ташкил қиласиз?

Хусниддин МУҲАММАДМУРОД,
талаба
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

Маҳмуд Кошғарийнинг

ЭСКИ ЗОНТИГИ

“Зонтик” голландча сўз бўлиб, “куёшдан ҳимояланиш воситаси” деган маънони англатади. Ҳўш, “зонтик” сўзининг соф туркийчаси борми? “Соябон” дейсизми? Йўқ, “соабон” форсча сўз.

Токи дунёда куёш иссиғи ва ёғингарчилик бор экан, демак, ҳамма жойда улардан ҳимояланиш воситаси бўлган. Ҳамма жойда шундай восита ишлатилган экан, унда ҳамма тилларда бу нарсани ифодаладиган сўз ҳам бўлган. Фақат бу сўзлар унутилган бўлиши мумкин.

Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит-турк”да “јаңалдуруқ” сўзини ёмғирдан, куёш иссиғидан бошни сақлаш учун восита эканлигини изоҳлаб кетган. *Иангалдуруқ* наमतдан тикилган экан. Бу нарас ёмғирпўш ё оддий ёпинчик эмас. Чунки ёпинчик қадимги туркий тилда “*йугурқан*” сўзи билан ифодаланган. Кошғарий “*Ол аңар йугурқан эшўди*” – “*У унга ёпинчик ёлди*” деган мисолни келтириб ўтган.

Қозоқларда зонтиқни “*қўлчодир*” дейишар экан.

Эшқобил ШУКУР

“Jadid” газетаси таҳририяти жамоаси ҳамда муассислари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Носиржон Жўраев ва Дилрабо Мингбоевага ўғли ШОҲИДБЕК ЖАМОЛИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шўхрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Отабек Бакиров

Адади – 18 476
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 906
Лотин ёзувида – 11 570
Медиа кузатувчилар – 91 527
Бюртма: Г – 939
Ҳажми: 4 босма табақ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилми:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ